SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 6-MART ■ PAYSHANBA ■ 27-28 (27.048) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Словакия Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Президенти Рудолф Шустер 2003 йил 6-7 март кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Тошкент ва Лондон Вестминстер университетлари

Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида турли соҳаларда икки томонлама муносабатлар тобора ривожланмоқда. Бунга Британиянинг нуфузли олий таълим юртларидан бири – Вестминстер университетининг таълим соҳасидаги самарали ҳамкорлигини мисол келтириш мумкин.

1938 йилда Қироллик политехника институти бўлиб таъсис этилган Вестминстер университети бугунги кунга келиб, Лондоннинг асосий таълим марказларидан бирига айланди.

1995 йилдан буён университет республикамиз олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Ўтган давр мобайнида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан муштарак таълим дастурлари доирасида кўплаб ўзбек мутахассислари ва талабалари Англиянинг ушбу олий таълим юртида ўқиш ва тажриба орттириш имкониятига эга бўлдилар.

Британия олий таълим тизими мувосафотлари (стандартлари)га мувофиқ мутахассисларни тайёрловчи Халқаро Вестминстер университетининг 2001 йилда Тошкентда очилиши икки томонлама муносабатларда янги босқич бўлди. Айни пайтда янги университетнинг 16 талабаси Лондонда иқтисодиёт, менежмент, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Талабаларимиз ва Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси ташаббуси билан Вестминстер университетида мамлакатимиз тақдимоти бўлиб ўтди. Унда олий таълим юрти профессор ва ўқитувчилари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий талабалар қатнашдилар.

Вестминстер университети ректори доктор Джеффри Копланд тадбирни очар экан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон мустаҳкам таълим тизимини яратганини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мамлакатнинг илмий ва ақлий қудратини мустаҳкамлаш, кучли ижтимоий ва демократик давлатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз талабаларининг мустақил Ўзбекистон тарихи ва ҳозирги куни, унинг маданий обидалари ва диққатга сазовор жойлари, ўзбек халқининг миллий одат ва анъаналарига бағишланган тақдимотини катта қизиқиш билан мушоҳада этдилар.

Мардон ЯКУБОВ,
«Жаҳон»АА,
Лондон.

«Чиноз Тўқимачи ЛТД»:

маҳсулот ва экспорт

Юртбошимиз республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўтган йил якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида инвестиция ва иқтисодий таркибий сиёсатни амалга ошириш якунлари ҳақида тўхталиб: ***«...мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда, рақобатга бардошли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни фаол ўзлаштирилмоқда, биз учун долзарб масала бўлган аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмоқда»,*** *– деб таъкидладилар.*

Буни Чиноздаги ўзбек-япон-турк сармоялари ёрдамида барпо этилган «Чиноз Тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси мисолида кўриш мумкин. 2001 йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилган мазкур корхонада 2002 йил 4937 тонна ип-калава ҳамда 418 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилди. Тайёр маҳсулот Испания, Италия, Англия, Туркия, Бельгия, Греция сингари хорижий давлатларга экспорт қилинди. Уларнинг умумий ҳажми 10 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

– Қўшма корхонамизда жорий йилнинг шу даврида ҳам 1 миллион 800 минг АҚШ долларидан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хорижга экспорт қилинди, – дейди корхона бош директори Лами Аралп.

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компанияси тизимидаги «Ўзбекенгилсаноатинвест» ҳиссадорлик жамияти, Японияниинг «Мицубиси корпорейшн», Туркиянинг «Бурсел» холдинг компаниялари ҳамкорлиги маҳсули – «Чиноз Тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасида шу кеча-кундузда 650 нафар йигит-қиз меҳнат қилишаётир.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

Суратларда:
1. Ўров цехи ишчиси Н.Кўчқорова; 2. Тўқув цехи ишчиси Н.Сулаймонова; 3. Г. Мирқодирова маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; 4. Ўров цехида.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Истеъмолчи кимдан ва нимадан норози?

ЁХУД АЙРИМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАБИИЙ ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШИ ҚАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Табиий газ арзон ва қулай ёқилғи. Шунинг учун ҳам ҳамма ундан фойдаланишни истайди, мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми табиий газ билан таъминланган. Бошқача айтганда, жами қазиб олинаётган газнинг 17 миллиард кубометрдан зиёди истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

Аммо, кейинги йилларда қиш фаслида барча вилоятларда, айниқса, катта шаҳарларда газ босими пастлигидан нолиш кўпайиб қолди. Айрим жойларда эса мутлақо ёнмай қолиш ҳолатлари ҳам юз берди. Бунинг бир неча сабаби бор: газ тақсимлаш шахобчаси атрофида яшовчилар қувурлардан оқиб келаётган беминнат бойлигимизга давлатники, деб қарайди. Иккинчидан, уларнинг аксариятида меъёрдагидан кўп газ ёққанимиз билан бизни ҳеч ким текширмайди, ҳеч ким ҳақ олмайди-да, деган кайфият хаёлида ўрнашиб қолган. Бугунги кунда ана шундай қарашлар мавжуд бўлганлиги учун ҳам республикамизда аҳоли ўртасида табиий газдан фойдаланиш даражаси меъёрдагига нисбатан 1,5-2 баробар ортиқ. Бироқ...

– Мана, кириб кўришларинг мумкин, газ мутлақо келмай қўйган, ўтин ёқиб ўтирибмиз, – дейди Зангиота тумани Й.Охунбобоев номли маҳалладаги М.Алимуҳамедов кўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчи Суннатулла Қосимов. – Оиламизнинг барча аъзолари қиш бўйи бир хонада яшаб чиқдик. Овқатни ўчоқда пишираяпмиз.

– Бир куни газ кўтарилди, хурсанд бўлдик. Шу куни пул йиғишга чиққан экан шоввозлар! Қаранг, хурсандчилигимиздан айтган пулларини бериб юбордик, – дейди ўша маҳалла, ўша кўчадаги 1-уйда яшовчи Абдулҳамид Алимов. – Эртасига эса газ аввалги ҳолига тушди-қолди. Яна эски тос, тешик тоғора...

3-бет

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Истеъмолчи ҳуқуқи бузилмоқда»

Вилоят прокуратураси томонидан «Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 4 январь сонида чоп этилган «Истеъмолчи ҳуқуқи бузилмоқда» сарлавҳали мақолада кўрсатилган ҳолатлар бўйича текшириш ўтказилганда бу соҳада бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинаётганлиги аниқланди.

Вилоят прокуратурасидаги мавжуд маълумотлар ва вилоят электр тармоқлари корхонаси томонидан берилган бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида, вилоят электр тармоқлари корхонаси ва «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан «Республика энергетика тизимида қувват ва электроэнергия танқислиги даврида Наманган вилояти, шаҳар ва туманларида электр энергия истеъмолчиларини чекловга ўчириш жадвали»га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2002-2003 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 232-сонли қарорининг 1-банди 4-хатбошиси асос қилиб олинган ва мазкур жадвал «Ўзбекэнерго» ДАК раиси ўринбосари томонидан тасдиқланган.

Бироқ текшириш давомида, мақолада ёритилганидек, 2002 йил 10 декабрдан 13 декабрга қадар Чортоқ туманидаги Қулобод маҳалласида туман электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергиясини асоссиз равишда ўчирилганлик ҳолатлари маълум бўлди.

Чортоқ туман электр тармоқлари томонидан чекловга асосан ишлаб чиқарилган жадвалларда кўрсатилган аҳоли яшаш ҳудудларини электр энергияси тармоғидан муддатли ўчиришлар тартибсиз равишда ишлаб чиқилганлиги, жадвалга асосан битта аҳоли яшаш ҳудудида фақат ҳафтада бир чеклов жорий этилиши кўрсатилганлигига қарамай, бунга амал қилинмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, бундай ачинарли ҳолатларни Уйчи тумани Чуртуқ аҳоли яшаш ҳудудида, Учқўрғон тумани Қайқи, Тўрақўрғон тумани Катагонсарой аҳоли яшаш ҳудудларида ҳам чеклов жадвалига амал қилиш тартиблари бузилганлик ҳолатларини кўриш мумкин.

Чортоқ туман электр тармоқлари бошлиғи Н. Бултуров, Уйчи туман электр тармоқлари бошлиғи М.Турсунов, Тўрақўрғон туман электр тармоқлари бошлиғи Н.Раҳимов, Учқўрғон туман электр тармоқлари бошлиғи Б.Ҳасановларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашиб, чеклов жадвалларини тартибсиз ҳолатда юритганликлари оқибатида ушбу туманларнинг чекка қишлоқларида ва айниқса касалхона, мактабларда ҳам қиш кунлари электр энергиясининг асоссиз равишда узилишига йўл қўйганлар.

Юқоридаги текшириш якунларига кўра, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Ж. НИЗАМОВ, Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ПАХТА: уруғчилик, нав ва тола сифати



РЕСПУБЛИКАМИЗДА БУГУН ҚАЙ ДАРАЖАДА? ТАРМОҚДА МАЗКУР МАСАЛА БЎЙИЧА ЯГОНА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА? СЕРҲОСИЛ ПАХТА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ УСТИДА НЕЧОҒЛИ ИШ ОЛИБ БОРИЛАЯПТИ? МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР ВА МУШОҲАДАЛАР...

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган олимларимиз нега пахтанинг янги-янги навини яратмаяптилар? ...Ҳозир ҳар қайси хўжалик хоҳлаган навини экаяпти. Ҳануз бу масалада ягона давлат сиёсати йўқ. Такрор айтаман: ким нима хоҳласа, шуни экаяпти, кимки шунинг орқасидан фойда кўраётган бўлса, ўшанинг усули қўлланмоқда... Ҳар бир минтақанинг иқлими ва шароитига қараб, деҳқонлар билан бамаслаҳат, қаерга қайси навни экишни ҳозирдан ўйлашимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ

Юртбошимиз бу сўзларни бундан қарийб ўн йил илгари – 1993 йил 5 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида айтган эди.

Хўш, ўтган давр мобайнида бу соҳада нималар ўзгарди?

Мамлакатимизда пахта уруғчилиги билан боғлиқ ишлар бугун қай аҳволда? Олимларимиз томонидан яратилаётган янги навлар илгаригиларидан нимаси билан фарқ қилади? Кейинги йилларда қандай истиқболли навлар яратилди? Пахта уруғчилиги борасида хориж билан қандай ҳамкорлик қилинмоқда? Вилоятларимизда пахта навларини танлаш ишлари қай аҳволда?

Турсунбой КОМИЛОВ, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги Республика пахта уруғчилиги бошқармаси бошлиғи:

– Сўнгги йилларда республикамиздаги пахта етиштирувчи аксарият хўжаликлар мутахассислари ғўза селекцияси ва уруғчилиги борасида турли гап-сўзларни айтишмоқда. Навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги, яратилаётган навларнинг тола чиқими, сифати талаб даражасида эмаслиги, тупроқ иқлим шароитларига бир хилда мослашиш хусусиятининг пастлиги ҳақида куюнчаклик билан гапиришмоқда.

Дарҳақиқат, толаси жаҳон бозорида харидоргирлиги бўйича биринчи гуруҳга мансуб пахта навлари бундан 10-15 йил илгари яратилган. Тупроқ иқлим шароитларига мослашувчан эмаслиги ҳамда кечпишарлиги учун бу навлар умумий пахта майдонларининг 20 фоизи атрофида экилиб келинган. Илгарилари «Фарғона-3», «Фарғона-5», «Қирғиз-3» сингари ғўза навлари микронейр кўрсаткичлари, яъни дағаллиги боис, нафақат пахтани қайта ишлаш саноати мутахассисларини, балки хорижий истеъмолчиларнинг ҳам норозиликларига сабаб бўларди. Бу ҳол ҳам ўз навбатида толанинг жаҳон бозоридаги нархига кескин таъсир кўрсатарди. Шунингдек, тола чиқими паст бўлган «С-9070», «Оқдарё-5» каби навлар ҳам ана шундай салбий хусусиятлари сабабли, экишдан ва ишлаб чиқаришдан олиниб, улар ўрнига сўнгги икки-уч йил ичида яратилган «Оққўрғон-2», «Омад», «Оқдарё-6», «Хоразм-127», «С-2609», «АН-512» сингари янги навлар ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Пахтачилик хўжаликлари томонидан уруғчилик ва навлар масаласига бу тарзда бир ёқлама қараш менинг назаримда унчалик ҳам тўғри бўлмасди.

2-бет

Мактаб учун Япония грантлари

Пойтахтнинг Миробод туманидаги 60-ўрта умумтаълим мактабига Япония ҳукуматининг кичик ҳажмли лойиҳаларга беғараз ёрдами доирасида 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий жиҳозлари топширилди.

Япония давлатининг мамлакатимизга ажратаётган грантлари асосан соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантиришга қаратилаётганлиги таҳсинга сазовор. Ўтган йилнинг август ойида мазкур мактаб билан Японияниинг мамлакатимиздаги элчихонаси ўртасида грант шартномаси имзоланган эди. Ушбу шартнома асосида ажратилган маблағ эвазига мактабга мебеллар, спорт анжомлари, замонавий компьютерлар ва бошқа мактаб жиҳозлари келтирилди.

Элчихона ходимлари замонавий ўқув анжомлари билан таъминланган синфхоналарни кўрар эканлар, эндиликда бу ерда ўқувчиларни янада чуқур билим олишларига кенг имкониятлар яратилганлигини эътироф этишди.

«Туркистон-пресс»

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ПАХТА: уруғчилик, нав ва тола сифати

РЕСПУБЛИКАМИЗДА БУГУН ҚАЙ ДАРАЖАДА? ТАРМОҚДА МАЗКУР МАСАЛА БЎЙИЧА ЯГОНА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА? СЕРҲОСИЛ ПАХТА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ УСТИДА НЕЧОҒЛИ ИШ ОЛИБ БОРИЛАЯПТИ? МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР ВА МУШОҲАДАЛАР...

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Гап фақат бунда эмас. Ҳар бир пахтачилик хўжалигида мутахассислар бор. Уларнинг билими ва малакаси қай даражада? Пахтакор деҳқон улардан ғўза чалинган касаллик ҳақида сўраб қолса, одатдагидек бир хил жавоб олади: «Агротехника қоидаларига риоя қилинг!» Ёки ғўзани ҳашарот еб кетса, ғўза яхши ўсмаса, пахта режаси бажарилмаса хўжалик раҳбарлари, мутахассислари сувчини, бригадирни айблашади. Лекин ўша хўжалик раҳбарлари пахтадан бўшаган майдонларни ўз вақтида шудгорлаш чорасини кўрмайди, агротехника талабларига риоя этилишини таъминламайди. Оқибатда эса мана, бир неча йилдирки, аксарият вилоятларда давлатга пахта сотиш режалари бажарилмай келинаётир. Бунга нима ва ким айбдор? Уруғлик чигитми? Навми? Олимларми...

Тўғри, ғўза навларини яратиш ва уруғчиликда ҳануз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Аммо изланиш, ўзгариш бор. Хукуматимизнинг ғўза селекцияси ва уруғчилигини яхшилаш борасидаги қарорлари талабларидан келиб чиқиб, уруғлик чигитлар сифати оширилаётир. Сўнгги уч йилда экилаётган чигитлар биринчи синфли уруғлик салмоғи 70 фоиздан 96 фоизга ўсди. Уруғлик чигитнинг умумий сарфи 75-80 минг тоннага, ёки бўлмаса ҳар гектар майдонга 123 килограмм ўрнига, атиги 71,5 килограммгача чигит экиладиган бўлди. Толаси жаҳон бозорида харидоргир бўлган ғўза навлари майдони 18,5 фоиздан 45,5 фоизга ошди ёки аксинча, толаси жаҳон бозорида харидоргир бўлмаган навлар экин майдони 23,0 фоиздан 4,2 фоизга камайтирилди.

Ҳозир ҳукуматимиз томонидан соҳа мутахассислари олдига 110-120 кунда пишиб етиладиган эртапишар, тола чиқими 38-40 фоизли ва узунлиги 33-34 миллиметрли бўлган IV типга мансуб, жаҳон бозори талабларига тўла жавоб бера оладиган навларни яратиш ва амалиётга жорий этиш вазифалари қўйилган. 1996 йилнинг 29-30 августида бир йўла иккита ***«Уруғчилик тўғрисида» ҳамда «Селекция ютуқлари тўғрисида»*** *ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши уруғчилик соҳасида ҳуқуқий асосларни яратиб берди. Ғўза селекцияси ва уруғчилик ишларини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг турли тупроқ иқлим шароитларидан келиб чиқиб, навларни оқилона жойлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қатор қарорлар қабул қилди.*

Бугунги кунда эса вилоятларда 5 та, туманларда 2 та, хўжаликларда эса 1 та пахта навлари етиштириш белгиланди. Бу эса уруғлик тозалиги ва унинг сифатини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир аввалгидай 32-34 та эмас, жами 20 та нав республикамизда экилмоқда. Бунда, албатта, вилоятлардаги иқлим шароити ҳисобга олинади.

Ҳозир янги серҳосил пахта навларини яратиш ишлари билан асосан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси, Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги ҳамда пахтачилик илмий-тадқиқот институтлари ҳамда уларнинг жойлардаги 19 та ҳудудий бўлимлари шуғулланмоқда. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институти, Андижон пахтачилик институти, Тошкент давлат аграр университети, Ўсимликшунослик илмий-текшириш институтларида ҳам ғўза селекцияси бўйича илмий изланишлар олиб борилаётир.

Элита уруғларини етиштиришда эса пахтачилик билан шуғулланувчи ривожланган давлатларда қўлланилаётган усулларга асосланган, уйғунлашган услуб устида ишлар олиб борилаётир. Мазкур янги усул ўтган 2002 йилда Тошкент вилояти майдонларида синовдан ўтказилди. Ғўзанинг селекция учун зарур генлар жамғармаси (фонди) бўйича Ўзбекистон энг бой мамлакат ҳисобланади. Республикамиздаги ғўза селекцияси билан шуғулланувчи институтларда 14000 дан ортиқ генлар коллекцияси мавжуд бўлиб, бу рақам Америка Қўшма Штатларида 10 мингтани, Исроилда эса 3,7 мингга яқинни ташкил қилади. Халқаро пахта масалалари бўйича маслаҳат кенгашининг 2000 йил 4 майда Ўзбекистон пахтачилигининг истиқболларига бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон пахта – 2000» анжуманида халқаро экспертлар томонидан ***Ўзбекистон ғўза навларини, айниқса эртапишар навларни яратиш ва қишлоқ хўжалигидаги зараркунандаларга биологик усулда курашиш бўйича дунёда энг пешқадам давлат деб тан олинди.*** *Бу қувонарли албатта. Бугунги кунда районлашган ва истиқболли навларнинг элита ва биринчи авлодли уруғларини етиштириш билан 79 та элита хўжаликларимиз шуғулланаётир.*

Мамлакатимизда 20 та районлаштирилган (шундан 12 таси ўртапишар, 8 таси эса эртапишар) 4 та истиқболли пахта навлари ҳукумат қарорига кўра 2003 йилда республикамиз бўйича 1 миллион 359.5 минг гектар майдонга экилиши режалаштирилган.

Пахтакор деҳқон ўз даласига қандай чигитни қадашидан қатъи назар, ҳеч иккиланмасдан пайкаллардаги ғўза ниҳолларига бир хил куч ва меҳр сарфлайди. Шундай экан, меҳнат самарасиз кетмаслиги учун уруғлик чигитнинг серҳосил навларини экиш ғоят муҳим масала саналади.

Собиржон ЭРКАБОЕВ, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тайёрлов бошқармаси бошлиғи:

– Пахтачилик хўжаликларини юқори сифатли, касалликларга чидамли сара уруғлик чигит билан таъминлаш ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилидир. Уюшмамиз тизимидаги пахта тозалаш корхоналари республикамиздаги пахта етиштирувчи хўжаликлардан 2002 йил пахта ҳосилидан асосий уруғлик учун 278,4 минг, заҳира учун 137,6 минг тонна, жами 415,9 минг тонна уруғлик пахта хомашёси қабул қилиб олди ва ундан кутилаётган уруғлик чигит эса 227,3 минг тоннани ташкил этади. Жорий 2003 йил пахта ҳосили учун республикамизда 100 минг тонна уруғлик чигит экилиши режалаштирилаётганлигини ҳисобга олсак, бу – икки йиллик уруғлик заҳираси тайёрланди, демакдир. Сўнгги йилларда пахта етиштирувчи ширкат уюшмалари ва деҳқон-фермер хўжаликларида IV типли, толаси жаҳон бозорида харидоргир бўлган «С–6524», «С–6530», «С–2609» сингари пахта навларини кўпроқ экишга ҳаракат қилиняпти. Боиси, бу навларнинг ҳар тоннаси учун қўшимча 7200 сўмгача нарх белгиланганлиги пахтакорларимизга ортиқча даромад олишда қўл келаётир.

Шу кунларда уруғчилик хўжаликлари, селекциячи олимлару мутахассисларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уюшма тизимида уруғлик тайёрловчи корхоналар ҳам бунёд этилаяпти. Шунингдек, тизимимиздаги 117 та уруғлик пахтани қайта ишлаб-саралаш, 53 та корхонада туксизлантириш ва 114 та корхонада уруғлик чигитларни қишлоқ хўжалигидаги зараркунандаларга қарши турли хил дорилар билан дорилаш йўлга қўйилган. Деҳқонлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шу кунларда 101,2 минг тонна сара уруғлик чигит тайёрланди. Шундан 37,8 минг тоннаси туксизлантирилган чигитлардир. Тайёрланган мазкур уруғлик чигитларнинг 100 фоизи ҳам биринчи синфга мос бўлишлиги учун барча чоралар кўрилмоқда. Олимлар яратган навлар рўйхатдан ўтказилиб, тажриба олиб бориш учун катта миқдорда маблағ ажратилмоқда.

«Пахтасаноатилм» илмий ишлаб чиқариш маркази уруғлик чигит тайёрлаш лабораторияси мудири, техника фанлари номзоди Воҳид РАКИПОВ *нинг айтишича, бугунги кунда республикамизда асосан 2 хил усулда тайёрланаётган уруғлик чигит ишлатилмоқда – тукли ва туксизлантирилган. Пахтани туксизлантирилган чигит билан аниқ усулда экишнинг афзалликлари анчадан буён маълум. Илгари бир гектар ерга 70-80 килограммгача тукли чигит сарфланган бўлса, эндиликда бу рақам қисқариб, ҳар гектар майдонга 30-35 килограмм туксиз уруғлик экиляпти. Ҳосилдорлик ҳам юқори бўлаяпти. Саноатчилар эса тежалган чигитни қайта ишлаб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотга айлантиришаяпти.*

Туксизлантирилган чигитнинг туклисидан афзаллиги шундаки, пахта майдонларида униб чиққан ғўза ниҳолларини яганалаш ишларига кетадиган катта меҳнат харажатларининг олдини олади, уруғлик учун ишлатиладиган материаллар сарфини 2-3 баробарга камайтиради, уруғлик чигитга ишлатиладиган заҳарли моддалардан фойдаланилмайди. Маълумки, ривожланган чет эл мамлакатларида уруғлик чигитнинг деярли барчаси туксизлантирилиб тайёрланади. Бу эса ўз навбатида тайёрланаётган уруғлик чигитнинг сифатини яхшиловчи технология ва ускуналарни яратишга боғлиқ. Бизда эса туксизлантириш технологияси билан тайёрланаётган чигит миқдори бор-йўғи 35 фоиздан ошмайди. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда кўпроқ тукли уруғлик чигит тайёрланаётганлиги ва экилаётганлигининг асосий сабабларидан бири – тукли чигитнинг оғир иқлим шароитларига бардошли эканлигидир.

Тукли чигитни пахта далаларига аниқ усулда экиш технологияси ҳанузгача яратилмаган. Сабаби, бу чигитнинг устида туклари бўлганлиги учун уларни доналаб экиш масаласи ҳамон муаммолигича қолаётир. Туксизлантирилган чигитнинг афзаллиги яна шундаки, уни аниқ саралаш, калибрлаш мумкин. Бу орқали эса энг сара уруғлик чигитларни ажратиб олиш имконияти туғилади. Мамлакатимиз иқлими шароитларидан келиб чиқиб, пахта майдонларининг асосий қисми – 1 миллион гектардан ошиқ далаларга тукли чигит экилади ва бунга 100 минг тоннадан зиёд уруғлик сарфланади. Ваҳоланки, туксизлантириш технологияси сарф-харажатларни уч маротабагача камайтириш имконини беради. Эндиликда бу чигитга талабгорлар сони кун сайин ортаётир. Шу мақсадда, Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги Элита уруғлик чигит тайёрловчи корхона мана неча йилдирки, вилоятлар пахтачилик хўжаликларига кимёвий усулда туксизлантирилган, тез унувчан уруғлик чигитлари етказиб бераётир. Сурхондарё вилоятида «Олтин чигит» ўзбекюнон, Бухоро вилоятида ўзбек ва француз ишбилармонлари ҳамкорлигида барпо қилинган қўшма корхоналар билан бир қаторда Фарғонада «Яйпан», Сирдарёда «Марказий Осиё», «Малик» каби уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган заводлар ишга туширилди.

– Вилоятимиз бўйича пахтанинг «С – 6524» навидан 12 минг 769 тонна уруғлик чигит тайёрланади, – дейди ***«Тошкентпахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси раиси Фарҳоджон ОМОНОВ.*** *– Шундан 2 минг 544 тоннаси тизимимиздаги Чиноз ҳамда «Алимкент» пахта тозалаш корхоналарида туксизлантирилади. Мавжуд 9 та уруғлик чигитни дорилаш цехларида эса 8 минг 350 тонна чигит дориланади. Агар пойтахт вилояти бўйича 110 минг гектар пахта майдонининг асосий қисмига «С – 6524», «Наманган – 77» ҳамда «Тошкент – 6» навлари экилишини инобатга олсак, шундан «С – 4880» , «Меҳр», «Меҳнат» сингари истиқболли пахта навлари шу кунларда 4 минг 700 гектар майдонда синовдан ўтказилмоқда. Жорий 2003 йил ҳосили учун эса 30 минг тонна уруғлик пахта хомашёси жамғарилди. Ундан ташқари, Чиноз пахта тозалаш корхонасида 2 минг тонна чигитни туксизлантиришга ихтисослаштирилган янги цех қурилиб, унга Германиянинг «Петкус» русумли махсус туксизлантириш машиналари ўрнатилди.*

«Алимкент» пахта тозалаш корхонасида чигит махсус дастгоҳлар ёрдамида туксизлантирилади.

Шунингдек, «Алимкент» пахта тозалаш корхонаси уруғлик чигит тайёрлаш, уни туксизлантириш, жамғарилган уруғликни дорилаб, вилоятнинг 6 тумани ҳамда чигитни плёнка остига экадиган хўжаликларга етказиб бериш билан шуғулланаётир. Ўтган 2002 йилда корхонада жами 2660 тонна уруғлик чигит тайёрланиб, шундан 1706 тоннаси туксизлантирилди. Ўтган йил Сирдарё, Наманган, Андижон, Қашқадарё вилоятларига юқори авлодли 1-синф унувчанлигига хос уруғлик чигитлар жўнатилди.

Юртимиз истиқлолга эришиб, пахта етиштириш борасида ҳам ҳақиқий мустақилликни қўлга киритди. Ўз пахтамизга эгалик қилиш, жаҳон бозорида истеъмолчиларни ўзимиз танлаш, етиштирилган пахта толасини хорижга ҳақиқий қийматида сотиш ҳуқуқларига эга бўлдик. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон тамғаси туширилган пахта толаси дунёдаги энг етакчи бўлган Ливерпул, Нью-Йорк, Бремен, Гданск биржаларида муносиб ўрин эгаллади. Пахтани қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш, уни жаҳон андозаларига мос равишда янги технологиялар билан жиҳозлаш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича дунёда бешинчи, уни хорижга экспорт қилишда эса АҚШдан сўнг иккинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Республикамизда ишлаб чиқариладиган пахта толаси дунёнинг бир қанча мамлакатларига, жумладан, Буюк Британия, АҚШ, Греция, Италия, Голландия, Жанубий Корея, Германия, Япония, Россия, Украина ва шунга ўхшаш кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Бирлашмамиз тизимидаги 12 та пахтани қайта ишлаш корхоналарида вилоятимизнинг 2002 йилда етиштирилган 226 минг тонналик пахта хомашёси қайта ишланаётир, агар ана шу ҳосилнинг 5 минг тоннаси Сайхунобод (Сирдарё вилояти)даги Ўзбекистон - АҚШ ҳамкорлигида барпо қилинган «Марказий Осиё» қўшма корхонасига уруғлик сифатида қайта ишлашга юборилишини ҳисобга олсак, қолган 221 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаб ундан 68 минг 600 тонна миқдорида юқори сифатли тола олишни мўлжаллаб турибмиз.

Яшин БОБОЕВ, Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти илмий котиби, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди:

– Бир пайтлар чор Россиясининг савдогар ва саноатчилари дастлаб чиғирикдан чиқарилган пахта толасини бозорлардан сотиб олишган. Кейинчалик соҳани ривожлантириш мақсадида Мексикадан тезпишар, ўрта толали пахта навларини олиб келишган. Бу эса ўз навбатида пахтачилик билан шуғулланадиган йирик ширкатларнинг кўпайишига, кўплаб пахта заводларининг барпо қилинишига туртки бўлган. Кейинчалик Ўзбекистонда ҳам аста-секинлик билан ғўза селекцияси ишлари ривожланиб, селекциячи олимлар томонидан бир қанча навлар яратилган. Масалан, 1921-1932 йилларда экилган ғўзанинг «Триумф Наврацкого» нави 995,5 минг гектарни, 1941-1948 йилларда экилган «С – 460» нави эса асосий пахта майдонларини эгаллаганлиги, 1948-1971 йилларда экилган «108 – Ф» нави 1,4 миллион, «Тошкент» нави эса 1,7 миллион гектар пахта майдонларининг асосий ғўза навлари бўлганлиги – ўзбек селекциясининг ўша даврлардаги ривожидан далолат беради.

Институтимиз олимлари чет эл селекциясидаги навларни ўрганиш, юқори сифатли, вилтга чидамли, тезпишар, серҳосил, сертола ва бошқа кўплаб хусусиятларга эга донорларни (навларни) яратиш, уларни селекция йўналишларида қўллаш мақсадида АҚШ, Мексика, Хитой, Ҳиндистон, Болгария, Австралия, Вьетнам, Бразилия, Исроил ва бошқа давлатлардан келтирилган минглаб навларни синовдан ўтказиб келди. Сўнгги йилларда институтимиз селекциячи олимлари томонидан тезпишар, ҳосилдор, ўрта толали «Омад», «Оққўрғон-2», «С-2609» сингари янги ғўза навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ингичка толали ғўза навларидан I-III типларга мансуб тезпишар, юқори ҳосилли «Қарши-9», «Қарши-10», «Сурхон-9», «Сурхон-10» ҳамда «Сурхон-12» навлари яратилиб, ҳозир улар ишлаб чиқариш синовидан ўтказилмоқда.

Мазкур институтнинг ***лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Раҳимжон АҲМЕДОВ сўзидан:***

– Ҳар йили қандай навларни экиш бўйича талабномалар жойлардаги пахтачилик билан шуғулланувчи ширкат, деҳқон-фермер хўжаликларидан туман ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига тушади. Мазкур талабномалардан келиб чиққан ҳолда келгуси мавсумга ғўза навларини жойлаштириш масаласи Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан кўрилиб, ҳукумат қарори билан тасдиқланади.

Сўнгги йилларда пахтачилик соҳасидаги баъзи бир муаммоларни тезроқ бартараф этиш чоралари кўрилаётир. Фикримизнинг далили – кўпнавлилик, кечпишарлик, касалликка чидамсиз, тола сифати жаҳон андозаларига жавоб бермайдиган навларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ҳисобига кўпнавлиликка чек қўйилмоқда.

Энди чигитни плёнка остига экиш хусусида ҳам бироз тўхталсак. Бу усулни қўллашдан асосий мақсад – ғўзани эртапишар қилиб етиштиришдан иборат. «Андижон тажрибаси» деб ном олган бу йўналиш барчага ибрат. Чунончи, бу вилоятда деҳқончилик маданиятининг етарлича шаклланганлиги ва асосан ишчи кучининг етарли эканлиги плёнка остида пахта етиштиришда қўл келаётир.

Савол туғилади: ***ғўза ниҳолларини плёнка остига экишдан мақсад нима ўзи?*** *Уруғлик чигитни мақбул муддатларда плёнка остига экиб ундириб олиш ана шу усулни қўллашни тақозо қилади. Ҳар бир гектардаги ғўза кўчатлари табиат «инжиқ»ликларидан сақлаб қолинади ва тўлиқ ундириб олинади. Мамлакатимизнинг аксарият вилоятларида чигитни апрель ойларида ҳам плёнка остига экиш кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида пахта хомашёси таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлаётир. Пахтани плёнка остига хўжакўрсинга эккандан кўра, очиқ майдонларга эккан минг карра афзал. Чунки, апрель ойида очиқ майдонларда экилган чигит плёнка остига экилгани билан бир хил ривожланади.*

Мутахассислар фикрини «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Соҳибжон САЛИМОВ умумлаштирди

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ўзбекистонда ғўза селекцияси ва уруғчилиги, хусусан, пахтачилик ривожида ўзгаришлар бўлаётгани мутахассислар келтирган мисоллардан кўриниб турибди.

Биз пахтачиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган айрим ишлар ҳақидагина маълумот бериб, бир гуруҳ мутахассислар фикрини эълон қилдик, холос. Вилоятлардаги мутахассислар ва хўжаликлар раҳбарларининг ҳам ўз дардлари, таклиф-истаклари бўлиши табиий, албатта. Биз улардан ҳам мазкур масала бўйича янги фикр-мулоҳазаларни кутамиз.

Суратларда анъана акси

Пойтахтимизнинг Замонавий санъат марказида АҚШ элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Жо Бенсеннинг «Америка ғарбида родео» деб номланган фотосуратлар кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилишида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жон Хёрбст иштирок этиб, Ўзбекистон – Америка муносабатларини янада ривожлантириш, ўзбекистонликларни АҚШнинг қадимий анъаналари ва ўйинлари билан яқиндан таништиришда мазкур кўргазманинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Мана 200 йилдан ортиқ вақт ўтяптики, АҚШда родео мусобақалари ҳануз ўтказиб келинади. У америкаликлар учун тарих ва афсона, ўзига хос ўйин ва спортдир.

«Родео» сўзи испанча «подани ҳайдаш» деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам унинг мазмуни чавандозлик ва чорва ҳайвонларини жиловлаш билан боғлиқ. Бу ўйин илк бор 1880 йилларда Буффало Билл Коди томонидан ўтказилган. Шу кўйи у дунёга ёйилган. Бироқ XX асрнинг ярмигача ҳам родео бирор профессионал ташкилотига эга бўлмаган. 1945 йилда ўйин тартиб-қоидаларини мувофиқлаштириш ва мукофот пулларини бошқариш мақсадида Родео Ковбойлар Ассоциацияси (кейинроқ профессионал Родео Ассоциацияси) тузилган. Бугунги кунда АҚШ ва Канадада намойиш қилинадиган родеолар сони 2 мингтага яқин. Ва уларнинг ҳар бири ўз қоида-ю тизимига эга.

Фотосуратларда акс этган АҚШнинг бу қадимий анъанаси энг жажжи «қўй тутувчи»дан тортиб, етмиш ёшли фахрийлар иштирокини ҳам қамраб олган.

Мазкур фотокўргазма томошабинга бугунги АҚШнинг ёшу қариси қалбида яшаётган ҳақиқий Америка руҳини тушунишга ёрдам беради.

Нигора ЎРАЛОВА

Бир кишига етти кўчат

Вобкент туманидаги «Пермаст» фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи аҳоли Обод маҳалла йили муносабати билан қишлоқларни кўкаламзорлаштиришга барвақт киришди. Оқсоқоллар йиғилиб, мавжуд 16 та қишлоқда яшовчи 5681 аҳоли жонбошига етти донадан мевали-манзарали дарахт кўчатлари ўтказишга келишиб олдилар.

– Бу хайрли ташаббус, – дейди фуқаролар йиғини раиси Қаюм Қазоқов, – Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига амалий жавоб бўлди. Айни пайтда Мурод Жўрабоев номли ширкат хўжалигидаги барча турар жойлар, 3 та мактаб, қишлоқ врачлик пунктлари, кичик корхоналар атрофи ободонлаштириляпти.

Фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Анжирбоғ» қишлоғида ислом оламида чуқур из қолдирган етти пирнинг бири Хўжа Маҳмуд Фағнавий ҳазратлари мангу ором топган. Ана шу муқаддас зиёратгоҳ атрофидаги боғ кенгайтирилаётгани, йўлак ва майдончалар тартибга солинаётгани айниқса савобли тадбирдир. Кўчатларни эса шу қишлоқлик отахон Ҳикмат Жўраев етиштириб бермоқда.

– «Бир кишига етти кўчат» шиори ҳамма хўжаликларда қўллаб-қувватланди, – дейди ЎзХДП туман кенгаши биринчи котиби Толибжон Аваз-ов. – Шу боис Наврўз арафасида юзлаб қишлоқлардаги боғ-роғлар сони янада кўпаяди.

«Анжирбоғ»дан бошланган хайрли иш қўшни Шофиркон, Ғиждувон, Пешку туманларида ҳам кенг кўлам касб этаяпти.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ярмарка фойда берди

Гулистон шаҳрининг энг гавжум ҳудудларидан бўлган маҳалла қисмида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Уни шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлимига тегишли жамоат ташкилотлари ташкил этди. Ярмаркада шаҳардаги 60 дан ортиқ ташкилот ва корхона вакиллари қатнашдилар. Маълум бўлишича, ҳозир ана шу ташкилотларда деярли 500 га яқин бўшаб қолган ишчи ўринлари мавжуд экан. Ярмарка ўтказилган куниёқ 84 киши иш билан таъминланган. Шунингдек, 21 нафар талабгорга ўқиш, 12 кишига эса вақтинча ишлаш учун йўлланмалар берилган.

Шаҳар меҳнат бўлими бу каби фойдали тадбирни мунтазам ўтказмоқчи.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Истеъмолчи кимдан ва нимадан норози?

ЁХУД АЙРИМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАБИИЙ ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШИ ҚАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биз маҳалладаги хонадонлар соҳиблари билан суҳбатлашаётганимизда антиқа воқеа содир бўлди. Нима бўлди, қандай бўлди, бизку биз, маҳалладагилар ҳам бирданига тушунишмади: «Ё алҳазар, тушимизми, ўнгимизми?» дея ёқа ушлашди. Ишонасизми, йўқми, ошхоналардаги газнинг босими бирданига кўтарилиб, пориллаб ёна бошлади.

Бироз ўтгач, хонадон эгаларидан бири шундай деди: — Сизлар текширишга келганингиз иссиқхонадагилар қулоғига етиб борганга ўхшайди. Улар хозир шартта иссиқхоналардан газни узишди. Босим кўтарилгани шундан.

— Агар шундай босим доим бўлганда дўппимизни осмонга отардик, — дейди Абдуҳамид ака.

Шу кўчадаги 5-уйда Ҳикматулла Исаев яшар экан. Унинг 4 сотих ердаги гул кўчатлари иссиқхонасида газ пориллаб ёнаётганлигини маҳалладошлар айтиб қолишди. Ҳамроҳларимиз Тошкент вилоят «Нефтгазинспекция»си ходими Шукрулло Маҳмудов ва Дониёр Салимовлар билан иссиқхонани кўздан кечирдик. Иссиқхона яқинида газ нуқтаси борлигини кўрдик.

— Биз иссиқхонани ўтин билан иситаяпмиз, — дейди хонадон бекаси.

Лекин ушбу газ улашга мослаштирилган нуқта нимага «хизмат» қилишини айтолмади.

— Хонадонларнинг ҳар иккитасида бундай иссиқхоналар мавжуд, — дейди «Назарбекгаз» бўлими инспектори Алижон Зоҳидов. — Қанчалик кўп текшириш ўтказиб, бундай шубҳали газ улаб олиш нуқталари учун чора кўрмайлик, яна айланиб келсак, «газ нуқта»лари пайдо бўлган бўлади.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳудудида «Истиқлол» ва Аҳмад Яссавий номли маҳаллалар мавжуд. Аҳмад Яссавий номли маҳалланинг Феруза кўчасида янги қурилган хонадонлар шундоқ Бўзсув ариғи бўйида жойлашган. Бу ердаги аҳоли газ тақсимлаш шахобчасини ноқонуний ўрнатиб олганлигига гувоҳ бўлдик.

— Ноқонуний ўрнатиб олинган бундай газ тақсимлаш қурилмаларини биз узиб ташлаймиз, албатта, — дейди «Зангиотатехгаз» бўлинмаси директори Ғафур Кўчаров. — Ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар орқали жорий йилда табиий газдан ноқонуний фойдаланиб, давлат манфаатига 17 миллион 627 минг сўм миқдорида зарар етказганлиги учун 10 нафар шахсга нисбатан туман прокуратураси жиноий иш қўзғатди. Келтирилган зарар миқдори ундирилишининг чоралари кўрилмоқда.

Газдан ноқонуний фойдаланмаслик ҳақида кўп гапириляпти. Афсуски, минг марта эшитса, огоҳлантирилса ҳам қонунга амал қилмайдиганлар учраб туради. Аҳмад Яссавий маҳалласидаги Феруза кўчасига шундоқ туташ Бўзсув ариғи бўйларига бири 20 сотих, яна бири 18 сотихлик иссиқхона қуриб олган Тоҳир Бобоев ва Қаҳҳор Тўлабоевлар газдан ҳуфиёна фойдаланиб келганлиги маълум бўлди. Улар махсус резина шлангни ер остидан ўтказиб 100-200 метр наридаги иссиқхоналарига табиий газ ўтказиб олишган. Қизиғи шундаки, бу шахслар ўтган йили ҳам мана шунақа қонунсиз ҳаракатлари учун ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тегишли жазони олишганди. Улар тегишли хулоса чиқаришмаган ёки енгил жарималар билан қутулиб кетишга ишонишади шекилли, яна газни ўғирлаш билан шуғулланишмоқда.

Аслида гап жазода ҳам эмас. Шу юртда яшаб туриб, унинг фуқароси бўла туриб, ўз мамлакати бойликларини ўғирлаган, талон-торож қилган, оқибатда атрофдаги қўни-қўшниларнинг норозилигига сабаб бўлаётган бундай баднафс кишиларга қандай баҳо бериш мумкин?

Вазирлар Маҳкамасининг табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда газ тармоқларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан қатор текширишлар ўтказилаётган бўлса-да, негадир газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолларига чек қўйилмаётир? Шу ўринда бир мулоҳаза: бундай ҳолларга қарши курашда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ҳам қўшилишса яхши бўларди. Қолаверса, фуқароларнинг, ўзи нега жим туришибди? Икки-учта иссиқхонаси бор одам бутун маҳаллани ҳурмат қилмай, одамларни газсиз қолдирса-ю ҳеч ким чурқ этмаса.

— Бизнинг «Чиғатой Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда ўзимизнинг ҳисоб-китобларга қараганда 250 дан ошиқ иссиқхона ишлаб турибди, — дейди КФЙ раиси Миркамол Жўраев. — Шундан атиги 12 та иссиқхона қонуний асосда фаолият юритади. Бунга сабаблар бор: газ тармоғини қонуний қилиб иссиқхонасига ўрнатиб олиш учун фуқаро камида 3-4 ой югуриши керак. Ўнлаб ташкилотларнинг буюрократик тўсиқларидан ўтишига тўғри келмоқда. Агар газ ўтказиш тизими соддалаштирилса, истеъмолчи газни ўғирлаб, эмас, газ ўлчагич асбоблари орқали олган бўлар эди. Керагида ўчирарди, керагида ёқиб оларди.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, белгиланган тартибни бузаётганлар асосан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар бўлиб чиқди. Улар иссиқхона, новвойхона ва ошхоналарга ноқонуний, ўзбошимчалик билан газ тармоқларини улаб олишган.

Хусусан, Зангиота тумани «Туркистон» ширкат хўжалигидаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Ш.Мансуров ҳовлисидаги иссиқхонага ҳеч бир ҳужжатсиз, тегишли идоралар билан шартнома тузмай газдан фойдаланиш қурилмасини улаб олган экан. Бу билан у «Зангиотагазтаъминот» идорасига 41731 сўмлик, унинг маҳалладоши Н.Муҳиддинов хонадонида товуқ ферма очиб 15013 кубометр табиий газдан ноқонуний фойдаланиб, у ҳам «Зангиотагазтаъминот» идораси манфаатига 207185 сўмлик зарар етказган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зангиота тумани бўйича 55 та истеъмолчи кўрилганида улардан 35 тасида, Тошкент туманида ҳам худди шунча истеъмолчи текширилганда 8 таси томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланилаётганлиги маълум бўлди.

Бу каби ҳолатлар кишини ўйга толдиради: газдан фойдаланишдаги талон-торожлик, ўғрилик, шафқатсизлик қачонгача давом этади? Ноинсоф, ўз манфаатини ўйлаган шахслар касрига нега одамлар жабр кўриши керак? Нега бу ҳолга жамоатчиликнинг ўзи томошабин бўлиб қараб турибди? Бу муаммоларни ечишнинг тўғри йўлларидан бири — барча хонадон ва ташкилотларда газ ҳисоблагич ускуналарини ўрнатишни тезлатиш керак. Хорижий мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, газдан оқилона фойдалансак, бугун қазиб олинаётган 57 миллиард кубометрдан ортиқ табиий газнинг сарфи Ўзбекистон шароитида салкам икки баробарга қисқарган бўларкан.

Табиий газ — бу миллат, мамлакатнинг бойлиги. Бу бойликда нафақат келажак авлодларнинг ҳам ризқи бор. Биз улар олдида ҳам масъулмиз. Бу эҳтимол кимнидир қизиқтирмас. Аммо катта харажатлар ҳисобига не-не машаққатли меҳнат эвазига узоқ масофалардан келтирилган газдан текин, ўғринча фойдаланилса, бунинг оқибатида одамлар, айниқса, қариялари, чақалоқлари, беморлари бор оилалар жабр кўрса, улардан норозилик кайфиятлари уйғонса... Бундай ҳолат билан муроса қилиб бўладими? Бундай ноинсофлик, қонунсизликка қачонгача тоқат қилиш мумкин?

Собиржон САЛИМОВ,
«Ўзбекнефтгаз» компанияси матбуот маркази раҳбари,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАНИГА НЕ ЕТСИН

«САЙҚАЛ»ники ҳам арзон, ҳам сифатли...

Корхонада 20 миллион сўмлик ногиронлар аравачалари тайёр, аммо, республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бу маҳсулотни олишни негадир истамаяпти...

Фарғона вилоятида 28 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари «Маҳаллий-лаштириш дастури»га мувофиқ импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бермоқда.

Бу борада, хусусий тадбиркор Абдураҳмон Ниёзов ташкил этган «Сайқал» савдо ишлаб чиқариш корхонаси жамоасининг фаолияти диққатга сазовор. Чунончи, бу ерда чиқарилаётган ногиронлар учун қўл узатмали (кресло коляска) ва ричагли узатмали (велоколяска) аравачалар, йўл велосипедлари, кажавали велосипед, йиғма универсал велосипедлар, пиво ва минерал сув қопқоқлари, сумкалар учун халқа, оила юк аравачаси каби 20 турдаги буюмлар эҳтиёжталаб маҳсулотлар бўлиб қолди.

Велосипед ишлаб чиқариш республика миқёсида биргина шу ерда ташкил этилган. Ногиронларнинг ричагли аравачасини ясаш эса Марказий Осиёда ягона. Қўл узатмали ногиронлар аравачаси тайёрлаш Тошкентдаги Ўзбекистон — Австралия «Алтрамат» қўшма корхонасидан кейин фақат «Сайқал»да ўзлаштирилган.

— Фарғона механика заводи ва Намангандаги «Меҳмаш» корхоналари билан ҳамкорликда товарлар турини кўпайтириш билан бирга уларнинг сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш пайидамиз, — дейди тадбиркор А.Ниёзов. — Ҳозир биз тайёрлаётган велосипед ва ногиронлар аравачалари сифат жиҳатидан хорижникидан қолишмайди. Уларни оммавий равишда чиқариш учун сертификат ва лицензиямиз бор. Нархи ҳам бир қадар арзон. Масалан, ногиронлар аравачаларининг четдан келтирилаётганлари бизнинг пулга (ўртача) 180-200 минг сўмга тушмоқда. Ёки катталар учун йўл велосипедлари 100 минг сўм атрофида. Биз эса ногиронларнинг аравачаларини тахминан 150 минг сўм, велосипедларни 80 минг сўмдан сотмоқчимиз...

Мамлакатимиз Президенти яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ***«Бугунги кунда кўплаб корхоналаримизнинг бозор шароити ва талабларига ўта секинлик билан мослашаётгани, ишлаб чиқараётган маҳсулотини сотиш учун ниҳоятда қийинчилик билан бозор топаётгани иқтисодиётимиз ривожига катта тўсиқ бўлмоқда»*** *деб бежиз айтмадилар. Ҳозир корхонада 20 миллион сўмлик ногиронлар аравачалари, қарийб шунча сўмлик велосипедлар тайёр, аммо харидор йўқ...*

Айтайлик, ногиронлар аравачаларини дўконларга сотувга чиқариб бўлмайди. У ***республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги*** *орқали (харид қилиниб) тарқатилади. Вазирлик раҳбарияти корхона имкониятлари ва маҳсулотлари сифатидан бохабар... Қолаверса, бизда ишлаб чиқарилаётган аравачалар четникига қараганда анча арзон ҳам. Масалан, биргина Фарғона вилоятида ҳозир 151 нафар ногиронга шундай аравачалар керак. Агар ҳар бир вилоятда шунчадан эҳтиёж бор, деб тахмин қилинганда ҳам, республика миқёсида 1500-1800 дона коляска керак. Биз эса бу эҳтиёжни тўлиқ қоплаш имконига эгамиз. Корхона вазирликка ўз таклифи билан бир неча бор мурожаат қилди. Ўртага вилоят ҳокимлиги ҳам аралашиб, корхонада ишлаб чиқарилган ногиронлик аравачаларини вазирлик орқали талабгорларга етказиб беришда амалий ёрдам беришларини сўраб вазирликка расмий хат билан мурожаат ҳам қилинди. Бироқ, ҳануз жавоб йўқ...*

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Маданий-маърифий тадбирлар

● ***Қўқон шаҳридаги*** *«Уста Бозор» маҳалласи ҳудудий партия ташкилоти маҳалладаги ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларида ташаббус кўрсатмоқда. Партия ташкилотининг баҳор мавсумида ҳар бир хонадоннинг биттадан мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиши тўғрисидаги таклифини шаҳарнинг барча маҳаллалари фаоллари қўллаб-қувватладилар.*

● ***Учкўприк туман партия кенгаши*** *қошида ташкил этилган «Ниҳол» ёш ижодкорлар уюшмасида Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ижодий кеча ўтказилди. Унда партия кенгаши биринчи котиби И.Каримов, Қўқон шаҳар ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш бўлими мудири Н.Назаров, «Янги Фарғона» газетаси муҳаррири А. Каримов ва бир гуруҳ ижодкорлар, ёш қаламкашлар сўзга чиқдилар.*

● ***Ҳамза туман партия кенгаши*** *Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари даврасида, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти профессори Н.Насриддинова иштирокида, тиббиётнинг бугунги кундаги энг долзарб тармоқларидан бири — геронтология ҳақида учрашув ташкил этди. Суҳбат иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари билан бирга, геронтология фани ҳақида тушунчага ҳам эга бўлдилар.*

● ***Наманган шаҳридаги*** *49-махсус мактаб-интернатида, партия кенгаши ташаббуси билан, «Соғлом авлод — гиёҳвандликка қарши» мавзуидаги тадбир ўтказилди. Савол-жавоблар, қўшиқ ва рақслар билан қизиқарли ўтган тадбирни партия фаоли К.Отабоева олиб борди.*

● *Шу кунларда* ***Чортоқ, Уйчи, Норин, Амударё, Бекобод туман партия кенгашлари*** *ҳам аҳолининг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий онгини юксалтириш мақсадида турли маданий-маърифий, оммавий-сиёсий тадбирларни уюштирдилар.*

Партия ташкилотлари фаолияти

● ***ХДП Марғилон шаҳар, Косонсой, Амударё, Бағдод туман кенгашларининг*** *пленумларида партия ташкилотларининг жорий йилда жойларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардаги иштирокини таъминлаш масалалари белгилаб олинди.*

Шунингдек, Бағдод туман ва Марғилон шаҳар партия кенгашлари пленумларида Ш.Ҳошимов ҳамда М.Эгамбердиев мазкур партия ташкилотлари етакчилари этиб сайландилар.

● ***Тошкент, Фарғона вилоят ва Қўқон шаҳар партия кенгашлари****да ўтган йиғилишларида партия ташкилотлари фаоллигини ошириш, уларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишларни амалга оширишларида «Маҳалла» жамғармасининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.*

● ***ХДП Тошкент вилоят кенгаши****да ўтган тадбирда «Ўзбекистон ХДП ҳаёти фотосуратларда» фотокўргазмаси ва фототанловини ўтказиш тўғрисида қарор қилинди. Унга мувофиқ, ХДПнинг мамлакатимиз ривожига, халқимиз манфаатлари ҳимояланишига қўшаётган ҳиссасини ўзида мужассамлаштирган, йил давомида олинган рангли фотосуратлар билан қатнашиш мумкин. Танлов ғолиблари қимматбаҳо мукофотлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланадилар.*

● ***Учқўрғон туман партия кенгаши****да ўтказилган ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи йиғилишида уларнинг олиб борган фаолияти таҳлил қилинди ва янги иш режалари белгилаб олинди.*

● ***Бекобод туман партия кенгаши****нинг тарғибот-ташвиқот гуруҳи «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги маҳалла фаоллари иштирокида, мамлакатимизда олиб борилаётган парламент ислоҳоти тўғрисидаги мулоқотни ташкил қилди. Унинг иштирокчилари икки палатали парламент афзалликлари, палаталарнинг бир-биридан фарқи ва вазифалари тўғрисида фикр юритдилар.*

«ТОШКЕНТ — ИМПЕКС»

ёпиқ акциядорлик жамияти

2003 йил 7 апрель куни соат 15.00 да жамият маъмурияти биносида акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тошкент — Импекс» ёпиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан жамият балансини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадлари тақсимланишини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
10. Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш ҳақида.
11. Жамиятнинг 2003 йилги иш режасини (бизнес план) тасдиқлаш ҳақида.
12. Жамиятнинг низом жамғармасини ошириш ҳақида.
13. Жамиятнинг низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ТАХТАПУЛ-НОН»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 5 апрель куни соат 12.00 да Тошкент шаҳар С. Қосимов кўчаси, 16-уйда «Тахтапул-нон» акциядорларининг умумий мажлиси бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тахтапул-нон» акциядорлик жамияти Бошқарув раисининг жамият 2002 йил молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи.
2. 2003 йилга бизнес-режани тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. 2003 йилга жамиятнинг аудиторини тайинлаш.
5. 2002 йил соф фойдасини тақсимлаш.
6. Бошқарув раисини сайлаш.
7. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида.

«Тахтапул-нон» АЖнинг 2003 йил 1 январга бўлган йиллик ҳисоботи.

(МИНГ СЎМ)

Актив		Пассив	
Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)	8380	Устав капитали	12000
Уюшма корхоналаридаги акциялар	1151	Қўшилган капитал	256
Узоқ муддатли инвестициялар	26568	Резерв капитали	25464
Жами I бўлим	36099	Тақсимланмаган фойда	51029
Ишлаб чиқариш заҳиралари	11852	Жами I бўлим	88749
Тайёр маҳсулот	253	Узоқ муддатли қарзлар	16443
Олиб сотиладиган товарлар	78	Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	4845
Келгуси давр сарфлари	816	Кредитлар	10483
Пул маблағлари	1012	Жами II бўлим	31771
Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	56246	Жами баланснинг пассиви	120520
Дебиторлар	14164		
Жами II бўлим	84421		
Жами баланснинг активи	120520		

Аудит «Дунё-аудит» аудиторлик компанияси томонидан ўтказилди.
(Молия Вазирлигининг 2001 йил 3 сентябрдаги 00180-сонли лицензияси)

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ОАО «ЭЛЕКТРО-УСКУНА СОЗЛАШ»

ОБЯВЛЯЕТ О ПРОВЕДЕНИИ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ 7 АПРЕЛЯ В 11 ЧАСОВ ДНЯ ПО АДРЕСУ ГОРОД ТАШКЕНТ, СЕРГЕЛИЙСКИЙ РАЙОН, УЛИЦА ДЖУН АРЫК, ДОМ 27А.

Повестка дня:

1. Об итогах работы ОАО «Электро-ускуна созлаш» за 2002 г.
2. Перевыборы Наблюдательного Совета.
3. О преобразовании ОАО в другую собственность.
4. Утверждение:
а) бухгалтерского баланса,
б) акт ревизионной комиссии,
в) заключение аудитора,
г) размеров годовых дивидендов.
5. Продление договора найма с председателем правления.
6. Рассмотрение и утверждение бизнес плана предприятия на 2003 г.
7. Разное

Справки по телефону: 101-82-62.

Наблюдательный совет

Приложение: Баланс ОАО «Электро-ускуна созлаш» на 1.01.2003г.

№	Наименование статей	сальдо тыс. сум	
		Актив	Пассив
1.	Основные средства и прочие внеоборотные средства	631	
2.	Производственные запасы и затраты	17362	
3.	Расчеты с дебиторами	179	
4.	Уставной фонд и прочие источники собственных средств		9426
5.	Авансы полученые		800
6.	Расчеты с кредиторами		7946
	БАЛАНС	18172	18172

Достоверность баланса подтверждается частной аудиторской фирмой «ИЛ-САН» АУДИТ, лицензия №00082 от 20.06.2001 г.

● КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни

Сиёсий партиялар ижтимоий табақаларнинг у ёки бу сиёсий манфаатларини ифода этибгина қолмасдан, балки бу манфаатларни шакллантиришда ҳам бевосита фаол иштирок этади. Чунки, партия ўзининг ижтимоий базаси бўлган табақанинг сиёсий қарашларини шакллантирувчи маърифий тадбирлар ўтказиш билан шуғулланмаса, у ҳолда фуқаролардаги сиёсий қарашлар ва сиёсий манфаатлар ўз ҳолича барқ урмайди, жуда бўлмаганда бу манфаатлар гуруҳий манфаатлар даражасига кўтарила олмайди. Шунингдек, бу каби ҳолатдаги қарашларда хусусийлик жиҳатлари бўртиб, улар фитна, умуминсоний қадриятлар талабларига тескари, кўпроқ «бузғунчилик» характеридаги маҳдуд манфаат сифатида намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам партиялар фуқаролар ўртасида сиёсий манфаатлар шакллланишининг демократик маданият талаблари доирасида кечишини тарғибот-ташвиқот қилувчи жамоат бирлашмасидир. Шу билан бирга партиялар фуқаролик жамиятини давлат билан уйғунлаштириб, муросасизликларни йўқотиш ёки юмшатишни таъминлайди, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларининг ўзаро барқарорлигини сақлашга ўз ҳиссасини қўшади, уларнинг бир-бирларидан ўзаро мустақил бўлишларига имкониятлар яратади. Кучли партиялар давлатни кучсизлантирмайди, аксинча улар давлат органларини жамиятнинг маҳаллий органлари билан мустаҳкам этиб, сиёсий жараёнларни назорат остида кечишини таъминлашга ёрдамлашиб, давлатни жамиятнинг турли-туман ижтимоий гуруҳлари, узоқ периферияларини билан боғлаб, уни янада кучайтиради.

Фуқаролик жамияти шароитларида сиёсий партиялар минтақавий ва маҳаллий тизимлар ҳамда жамоавий бирликлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, улар умуммиллий мақсадлар руҳини дастлаб шу ҳудудлардаги фуқаролардан оладилар. Қолаверса, партияларнинг бир-бири билан рақобатдошлиги туфайли ҳам умуммиллий сиёсий тизимлар барча гуруҳлар ва мансабдорлардан (улар қанчалик катта мансабларни эгалламасин) юқори қўйилади. Шу тариқа сиёсий тизим билан ўз ваколатларини кучайтиришга интилувчи алоҳида олинган мансабдорлар ўртасига аниқ чегара қўйилади.

Партияларнинг асосий функцияларидан яна бири бу — сайлов тизимидаги фуқароларнинг сиёсий иштирокини маълум бир шаклга солиш ва институтлаштириш, ўз-ўзидан, стихияли, норасмий, кўпинча ноқонуний равишда келиб чиқадиган сиёсий ҳаракатлар шаклларини қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат талабларига хос шаклларга солиш, бу жараёнларни анъанага айлантиришдир.

Сиёсий партияларнинг бир неча асрлардан буён яшаб ва тобора такомиллашиб келаётганлигининг энг асосий сабаби, бу уларнинг бошқарувчи сиёсий элитани шакллантиришдаги беқиёс ўрнидир. Жамият ёки давлат ҳозирга қадар бошқарувчи ёки

1

қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари кадрларининг энг саралари, энг уддабуронлари, энг халқчилларини партияларсиз танлаб олиш имконини топган эмас. Ўтган асрда АҚШ ва Ғарбий Европадаги баъзи давлатлар партияларнинг жамиятдаги ўрнини пасайтиришга доир турли чора-тадбирларни қўллаб кўрганлар. Лекин, унинг қисқа муддатлардаги салбий оқибатлари сиёсий партиялар ўрни янада ўсишини тақозо этганлиги тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Сиёсий партияларнинг ўз функцияларини тўла бажара олиш, демократик принциплар асосида фаолият кўрсатишининг кафолати бу — уларнинг бошқарув кадрларини шакллантиришда, депутатликка номзодлар кўрсатишда, низом ва дастурга оид ҳужжатларни ишлаб чиқишда мутлақ мустақил бўлиши лозим. Партия раҳбарияти учун «юқори орган» фақат партия аъзолари иродаси бўлишигина унинг тўла мустақиллигини сақлай олади. Айниқса, партия етакчиларини муқобил асосда сайлаш, уларнинг номзодларини қўйидан кўрсатилиши партиянинг мустақил институт сифатида фаолият кўрсатиши ва обрў топишининг гаровидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида ҳуқуқий давлат принципларидан келиб чиқиб, сиёсий партия жамият институти ва жамоат бирлашмаси сифатида мустақил бўлиши асослаб қўйилган.

Мухолифатдаги партиянинг энг асосий функцияларидан бири турли фитналарни рад этиш, турли куч ишлатишга асосланган нодемократик ҳаракатларнинг рўй бермаслигини таъминлашдир. Умуман, ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий функциялари бўлиб, улар партия фаолияти ва ички ҳаётининг ажралмас бўлакларидир. Сиёсий партиялар рақобатсиз яшай олмайдилар. Чунки, партиянинг чинакам ва ҳақиқий функциясини бажара олиш қобилиятига эга бўлиши учун унга рақобатда бўлган бошқа партиянинг ҳам бўлиши тақозо этилади. Партиялар фақат ўзаро рақобатдагина ривожланишга мойилдирлар. Партия ўз салоҳияти, қобилияти, сайловчилар хайрихоҳлигига эришиши учун бошқа партия билан рақобатлашиши лозим. Акс ҳолда партиянинг ички салоҳияти, мафкуравий ва ташкилотчилик қобилияти рўёбга чиқмайди ва сайловлар жараёнларида пассив ташкилот даражасидан юқори кўтарила олмайди. **Партияни партия сифатидаги мақоми ва қобилиятини таъминловчи куч бу — унга мухолифий бўлган партия билан ўзаро рақобатда бардош бериш функциясини бажара олишидир.** Ўзаро рақобатсиз ва мухолифсиз партия фақат тоталитар тузумдаги яккапартиялилик монополияси ҳолатидагина яшай олиши мумкин. Шунинг учун ҳам партиялар бир-бирларига нисбатан рақобатсиз яшай олмаслиги ҳозирги даврда ўз исботини топган қоидалардан бирига айланди.

Рақобатдошликнинг яна бир ижобий жиҳати эса сиёсий партиялар идора этувчи мақомига эга бўлган пайтда бошқарувни халқчил ва демократик принциплар асосида амалга ошириш учун интилади. Акс ҳолда мухолиф партияга ҳокимиятни идора этишни топшириш хавфи кўндаланг бўлиб туради. Қолаверса, жамият муҳолифий партияларнинг турли-туман муқобил ривожланиш дастурлари ва улар ўртасидаги баҳс-мунозаралар асосида тез ривожланиш имконига эга бўлади.

Сиёсий партияларни молиялаштириш тажрибаси

Партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаолият кўрсатишларининг кафолати бу — уларнинг молиявий асосларга эга бўлишидир. Ҳозирги даврда Европа, Шимолий Америка, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби демократик мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг кенгайиши ва сарф-харажатларининг йилдан-йилга ортиши натижасида уларни давлат маблағлари билан таъминлаш муаммолари келиб чиқмоқда. Тарихий ривожланиш тажрибаларидан маълумки, партиялар моддий маблағларсиз ҳеч бир вақтда ўз мақсадларини тўлиқ бажара олмаганлар.

2

Шундан келиб чиқиб, аксарият мамлакатлардаги ҳозирги давр қонунчилиги партияларнинг молиявий манбаларини мувофиқлаштиришга муҳим аҳамият бера бошлади.

Демократик мамлакатлардаги ҳозирги давр қонунчилиги партияларнинг уч гуруҳдан иборат молиявий манбаларини назарда тутади. Биринчи — партияларнинг хусусий маблағлари; иккинчи — партияларни қисман молиялаштириш; учинчи — партияларни давлат томонидан молиялаштириш. Айрим мамлакатларда бу учта гуруҳлар ўртасидаги ўзаро нисбатлар мазкур мамлакатлардаги ҳар хил ҳуқуқий мувофиқлаштиришлардан келиб чиқиб, турличадир.

Партияларнинг хусусий маблағларига партияга кириш ва аъзолик бадаллари, бадавлат ёки юқори лавозимлардаги партия аъзолари томонидан партия хазинасига ўтказилган маблағлар, партия тадбирларидан (кўргазмалар, маърузалар, фестивалларда) олинадиган тушумлар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ва мулкдан келадиган даромадлар (Австрия, Бельгия, Туркия мамлакатлари қонунларида кўзда тутилган) киради. Умуман олганда, кўп мамлакатларда сиёсий партияларнинг мулкий ҳуқуқлари ва тижорат фаолиятларини мувофиқлащтириш умуммиллий характерни касб этганлиги учун ҳам партиялар турли хил тижорат ва тадбиркорлик фаолиятларида кенг иштирок этадилар.

Сиёсий партияларни хусусий молиялаштиришда партияларнинг хусусий маблағлари, хусусан, аъзолик бадаллари уларнинг молиявий ресурсларининг унча аҳамиятли бўлмаган қисмини ташкил этади, холос. Масалан, Италияда кўпчилик партияларнинг аъзолик бадаллари улар топган бошқа барча даромаднинг 20 фоизидан ортмайди. Жумладан, 1993 йилдаги маълумотларга биноан, бу каби даромад Франциядаги аъзоларидан тушган бадаллар ва юқори мансабдаги партия аъзолари ажратган маблағлар социалистик партия даромадининг 20 фоизини, «Республикани қўллаб-қувватлаш иттифоқи партияси»да 10 фоизни, «Миллий фронт» даромадининг эса фақат 22,6 фоизини ташкил этган, холос.

АҚШда эса бу каби муносабатлар бошқачароқ тарзда ўрнатилган. 1972 йилда қабул қилинган, кейин бир қанча ўзгартишлар киритилган федерал сайлов компаниялари тўғрисидаги қонунга мувофиқ сиёсий партиялар молиявий ёрдам олиш учун жисмоний шахслардан маблағлар йиғиб, сайловлар харажатларини молиялаштирадиган сиёсий ҳаракатлар қўмиталари (СҲҚ) тузишлари лозим бўлади. Қонунда сиёсий қўмитага қуйидагича таъриф берилади: «Сиёсий қўмита» йил давомида 1000 доллардан ортадиган бадаллар олувчи ёки йил давомида 1000 доллардан ортиқ харажатларни амалга оширувчи ҳар қандай қўмита, клуб, уюшма ёки шахсларнинг қандайдир гуруҳи бўлиши мумкин». Шу билан бирга қонун ҳуқуқий шахслар («боғлаб турувчи ташкилотлар») томонидан тузилган сиёсий қўмиталарни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатади лекин уларнинг ҳуқуқларини анча чеклайди.

Партияларни давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари сиёсий партияларни фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида тан олинишини таъминлаб, бу билан уларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги ўрни анча юксалди. Бу каби молиялаштиришни тан олиш сиёсий партиялар ўз функцияларини унумли амалга ошириши натижасида уларга нисбатан давлат масъулияти пайдо бўлишига олиб келди.

Шунингдек, баъзи бир ҳолатларда давлат томонидан берилаётган ёрдамлар сиёсий демократияни реал мазмунлар билан тўлдиришнинг шарти бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин. Хусусан, бу каби ёрдам партияларни алоҳида жисмоний ва ҳуқуқий шахслар гуруҳларига нисбатан қарамлигини йўқотади, натижада партиялар ўзларини хусусий молиялаштириш билан боғлиқ бўлган сиёсий коррупцияга қарши курашнинг таъсирчан воситасига айланади.

(Давоми бор)

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,
сиёсатшунос

3 (Боши газетамизнинг ўтган сонида).

● МЕҲР-МУРУВВАТ

Қор остида куртак юз очмайди. Чангда қолган гул жилоланмайди. Китоб шаҳрида жойлашган вилоят гўдаклар уйи тарбияланувчиларини бориб кўрганда, шу ўй келди хаёлимизга.

— Бу мурғакларнинг барчаси ногирон туғилган, — дейди гўдаклар уйи бош шифокори Муҳаббат Бўриева. — Ота-оналари имкон тополмай бизга топширишган. Уларни тўрт ёшгача тарбиялаб, кейин Қарши шаҳридаги катта ёшлилар меҳрибонлик уйига ўтказамиз.

Гўдаклар эътиборда

Ҳозир 36 норасида бағримизда. Уларнинг саломатлиги мунтазам назоратда. Айниқса, икки йилдан буён «Рўзимат Ғойибов» ижтимоий ҳимоя хайрия жамғармаси ёрдам қўлини чўзиб келаяпти.

Ҳа, ерга тушган увоқни увол бўлмасин деб оламиз. Одам боласи ундан-да азиз. Туғма ногиронлар парваришланаётган гўдаклар уйига жамғарма ўтган йили АҚШда ишлаб чиқарилган, қиймати 20 минг долларга тенг, турли кийим-кечаклар совға қилди. Жамғарма «Каунтерпарт» инсонпарварлик дастури билан ҳамкорлик қилмоқда. Яқинда жамғарманинг ижрочи раҳбари Собира Тўраева яна кийим-кечак, озиқ-овқатлар олиб келди. Хорижда ишлаб чиқарилган гўдаклар буюмлари қийматини сўрамадик. Меҳр-мурувватни баҳолаб бўладими?

Юнус УЗОҚОВ

Ўқиш яхши, уқиш ундан-да яхши

Хоразм вилоятида ўтган йили қирқта корхона банкрот деб эълон қилинди. Иқтисодни яхши англаб, янгича ишлашга ўрганмаган ношуд раҳбар-мутахассисларнинг «хизмати» бунга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси ташкил қилган «Банкротликка қарши билим» ўқув-семинарини ўтказишдан мақсад турли корхона-ташкилот раҳбар-мутахассисларининг иқтисодий-молиявий билимини оширишдир.

Бошқарма қошидаги «Консалтинг ёрдам» маркази ташкил қилган семинарнинг илк тингловчилари янгича иқтисодий муносабатлар борасида кенг миқёсда тушунча, билим олишди. Иқтисодий ва молиявий таҳлил, корхоналарни молиявий соғломлаштириш режаларини тузиш, меркетинг, менежмент курслари бўйича соҳанинг етук мутахассислари сабоқ беришди.

Семинарнинг илк тингловчиларига гувоҳнома-сертификат топширилди. Гувоҳномаларни топширар экан, вилоят ҳокими муовини Маткарим Шарипов эндиликда давр тақозосига кўра семинарлардаги ўқув соатларини ошириш, ўқувларга айни пайтда иқтисодий ночор фермер хўжаликлари раҳбарларини ҳам жалб қилиш зарурлигини уқтирди.

Ўқиш яхши. Уқиш ундан-да яхши. Энг яхшиси — олган билимини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш, унинг самарасини синовдан ўтказиш. Ана шунда вилоятда ночор корхоналар сони камаяди.

Рўзимбой ҲАСАН

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2003 йил 10, 17, 24 апрель кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Наманган шаҳри, Зирабулоқ 2-боши берк кўчасида жойлашган «Namangan Etalon» МСҲЖ низом жамғармасининг 90% улуши.

Бошланғич баҳоси — 5931630 сўм.

2003 йил 13, 20, 27 март кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида такроран ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган 68-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (68-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси— 42126 АҚШ доллари.

2. Хоразм вилояти, Хазорасп туманида жойлашган «Саримай» автокемпинги.

Бошланғич баҳоси— 764733 АҚШ доллари.

3. Наманган вилояти, Норин тумани, «Наманган-Андижон» трассасида жойлашган 44-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (44-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси— 20000 АҚШ доллари.

4. Навоий вилояти, Хатирчи тумани марказида жойлашган 1,2-сонли бирлашган автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси. (1,2-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси—20 000 АҚШ доллари.

5. Навоий вилояти, Зарафшон шаҳрида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (3-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси—36300 АҚШ доллари.

2003 йил 13,27 март, 10,24 апрель кунлари соат 12.00 да республика Биржалар маркази биносида такроран ўтказиладиган танлов савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М. Ашрафий 1-тор кўчасида жойлашган, «Тошкент шаҳар дон қабул қилиш» ОАЖ балансидаги 9-сонли болалар боғчаси (кир ювиш хонаси ва ёзги ошхона биноси билан). Умумий майдони 459,3 м².

Бошланғич баҳоси — 6 485 200 сўм.

Танлов савдосидан болалар боғчасини сотиб олишнинг шартлари:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;

2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш;

3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш;

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш;

5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми;

6. Ўзбекисон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;

7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми;

8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш;

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

2. Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоят бошқармасига қарашли «Мингчинор» асаб касалликларини қайта даволаш шифохонаси.

Бошланғич баҳоси — 30 860 000 сўм.

Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:

1. Шифохона фаолиятини 3 йилгача ўзгартирмаслик;

2. Қўшимча тиббий хизмат турларини ташкил этиш;

3. Шифохонани замонавий тиббиёт аппаратуралари билан таъминлаш;

4. Санитария ва гигиена талабларига қатъий амал қилиш;

5. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига имтиёзли хизмат кўрсатиш;

6. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.

Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2003 йил 13 мартда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 27 мартда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 10 апрелда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 24 апрелда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аукцион савдолари бўйича аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. **Факс:** 136-06-17. **www. uzrkmb. com**

«ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» ОАЖ

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

акциядорларининг умумий йиллик йиғилиши 2003 йил 1 апрель куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 186-уйда жойлашган «Ўзбекистон шампани» ОАЖ клубида ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолият якунлари бўйича ижроия орган ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2003 йилга молиявий-хўжалик фаолиятнинг бизнес-планини тасдиқлаш.
3. 2002 йил учун бухгалтерлик баланси, даромадлар ва харажатлар ҳисобини тасдиқлаш.
4. 2002 йил учун молиявий-хўжалик фаолияти текшируви натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2002 йил учун молиявий-хўжалик фаолияти текшируви бўйича аудитор ҳисоботини тасдиқлаш.
6. 2002 йилдаги даромад дивидендлари миқдорини тақсимлаш ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон шампани» ОАЖнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.
8. Кузатув Кенгаши ҳисоботини кўриб чиқиш.
9. «Ўзбекистон шампани» ОАЖ директори билан ишга олиш шартномасини келгуси йилга узайтириш ёки тўхтатиш.
10. «Ўзбекистон шампани» ОАЖ Кузатув Кенгаши таркибига қайтадан сайлов.
11. «Ўзбекистон шампани» ОАЖнинг 2003 йил учун аудиторини тасдиқлаш.

Акциядорлар реестри 2003 йил 28 февраль ҳолати бўйича ёпилади.
Қатнашчиларни рўйхатга олиш соат 14.00 дан бошланади.
Акциядорларда шахсни тасдиқловчи паспорт бўлиши керак.
Акциядорлар вакилларида ишонч қоғози ва паспорт бўлиши лозим.

Кун тартиби бўйича ахборот материаллари билан олдиндан қуйидаги манзилгоҳда танишиш мумкин: Тошкент, Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 186. **Алоқа учун телефонлар:** 169-78-23, 189-78-21.



XORIJDA

Элчихона ёпилди

Reuters агентлигининг Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотга асосланиб тарқатган хабарига кўра, содир этилиши мумкин бўлган террорчилик актидан эҳтиётланиш чораси сифатида Буюк Британия ўзининг Яман пойтахти Сана шаҳридаги элчихонасини ва Аден шаҳридаги консуллигини ёпди.

Элчи чиқариб олинади

Ливиянинг қонунчилик ва олий ижроия органи — Халқ конгресси Саудия Арабистонидан ўз элчиси чақириб олинишини маълум қилди, дейилади Reuters агентлиги хабарида.

Вазиятнинг бу қадар кескинлашувига сабаб: Араб давлатлари лигасининг навбатдаги саммитида Ливия раҳбари Муҳаммад Каддафи билан Саудия Арабистони подшоҳлиги валиаҳди Абдуллоҳнинг ўзаро айтишиб қолишидир. Улар Америка қўшинларининг Саудия Арабистонига киритилиши борасида тортишиб қолишган.

Операция қилинди

Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев АҚШнинг Кливленд клиникасида операция қилинди. Операция муваффақиятли якунланган, Алиев ўзини яхши ҳис этмоқда. «Новости» ахборотида маълум қилинишича, Президент 23 февралдан бери АҚШда. Ўшанда унинг расмий ташрифи тугагач, Кливленд клиникасида тиббий кўрикдан ўтган эди ва...

Қўшин чиқарилади

Яқин кунлар ичида Чеченистон ҳудудидан Россиянинг 1270 нафар аскари ва тахминан 200 та ҳарбий техникаси олиб чиқиб кетилади. Россия мудофаа вазири Сергей Иванов Кремлда Президент Путин билан учрашувда бу ҳақда маълумот берди, дейилади «Газета. RU» ахборотида.

Ҳарбийлар жойлашган биринчи эшелон эртага Россиянинг марказий ҳудудига қараб йўл олади.

Муддат яна узайтирилди

АҚШ маъмурияти Ироққа қарши ҳарбий операция бошлашни мартнинг охири ёки апрелнинг бошларигача қолдиришга қарор қилди. Негаки, ҳудудига АҚШ армияси жойлаштирилиши борасида Туркия билан олиб борилаётган музокараларда ҳануз бир тўхтамга келингани йўқ. Пентагон Саддам Ҳусайн томонидан Ироқ шимолидаги нефть қудуқлари ёндириб юборилишининг олдини олиш мақсадида ҳарбий операцияни мамлакат шимоли — Туркия чегарасидан бошламоқчи эди. Энди Пентагон янги режа ишлаб чиқиши лозимга ўхшаб турибди.

Маълумки, сешанба куни Туркия парламенти мамлакат ҳудудига АҚШ армиясининг 62 минг кишилик контингенти жойлашуви масаласини қайта кўриб чиқиши керак эди. Бироқ шанба кунги парламент йиғилишидаёқ бу масала кўриб чиқилди ва АҚШ армияси жойлаштирилишига кўпчилик қарши овоз берди. Шунинг учун дейилади, «Би-би-си» хабарида, сешанба кунги парламент йиғилишида бу масала кун тартибидан олиб қўйилди.

Reuters берган хабарга кўра, Туркия қирғоқларида турган АҚШ ҳарбий денгиз флотининг ўнта кемасидаги 62 минг кишилик контингентни Қувайт ўз ҳудудига қабул қилиши мумкинлигини мамлакат мудофаа вазири шайх Жабр ал-Ҳамад ал-Сабах маълум қилди. Бироқ Пентагон учун ушбу жанубий фронтда бирор-бир муаммо юзага келиши даргумон. Негаки, шу кунларда Қувайтда 110 минг нафар америкалик ва 21 минг нафар британиялик аскарлар бор.

Умуман, CNN маълумотларида қайд этилишича, Форс кўрфазида бугун 200 мингга яқин ҳарбий бор. Яна 60 минг нафари Яқин Шарққа жўнашга шай.

Семиришга қарши фармойиш

Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн мансабдорлар ва зобитларнинг ортиқча семиришларини тақиқловчи фармойиш эълон қилди. Унга кўра, кимнинг оғирлиги белгиланган меъёрдан ортиб кетса, мукофот ва бошқа имтиёзлардан маҳрум қилинади ёки бундай имтиёзлар икки баробарга камайтирилади. Бундан ташқари Саддам Ҳусайн мамлакатдаги ҳукмрон партия аъзоларининг қимор ва бошқа, умуман, ўртага пул тикиб ўйналадиган ўйинларда иштирок этишларини тақиқловчи яна бир фармойиш қабул қилди.

Reuters агентлиги берган хабарга кўра, бу тартибни бузган киши уч йилгача озодликдан маҳрум этилади ёки партия сафидан ўчирилиб, ишдан ҳайдалади.

Инсонпарварлик ёрдами

Россия ҳукумати топшириғига биноан мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўтган йилги қурғоқчиликдан азият чекаётган Эфиопия ва Эритрея аҳолиси учун инсонпарварлик ёрдами жўнатди. «Ил-76» самолётларида Аддис-Абеба ва Асмэра шаҳарларига етказилган мазкур юк гўшт консервалари, қуритилган сут ва болалар озиқ-овқатларидан ташкил топган бўлиб, Эфиопияга 25,9 тонна, Эритреяга эса 23,3 тонна ажратилди, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

Экспорт қилинади

Маълумки, қурбақа гўштидан тайёрланган таом французлар учун энг хушхўри ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, Грузия ҳукумати Францияга яқин кунларда қурбақа экспорт қилишга қарор чиқарди.

Мамлакатнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги кўл бақаларидан биринчи партиясини жўнатишга рухсатнома берди, дейилади ИТАР-ТАСС агентлиги хабарида.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ҳакамлик эмас, холислик керак

Ироқ билан боғлиқ воқеалар — бугунги кунда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг бош мавзуси. Шарҳлар, интервьюлар, муносабатлар, мулоҳазалар, фикрлар, хулосалар турлича. Уруш бўладими ёки йўқ? БМТ Хавфсизлик Кенгаши яна қарор қабул қиладими ёки йўқ? Урушсиз ҳам Ироқни қуролсизлантириш мумкинми ёки йўқ? Бугунги кунда бу саволлар нафақат жаҳон ҳамжамиятини, балки жаҳон жамоатчилигини ҳам ташвишлантирмоқда. Дунёнинг етакчи давлатлари, Хавфсизлик Кенгашининг доимий ҳамда вақтинчалик аъзолари, араб дунёси мамлакатлари, турли халқаро ташкилотлар Ироқ билан боғлиқ муаммони деярли ҳар куни муҳокама қилишмоқда. Назаримда, ўнлаб давлатлар ўзларининг ички муаммоларини бир четга суриб қўйиб, бутун диққат-эътибор, саъй-ҳаракатларини, дипломатик имкониятлари фақат Ироқ муаммосини ечишга қаратишган. Жаҳон сиёсий майдонида бунақаси яқин орада кузатилмаган. Бугунги вазият сиёсат ва дипломатия қанчалик катта кучга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Юзага келган вазиятга дунё халқларининг муносабатлари ҳам турлича. Бу муносабатлар хорижнинг оммавий ахборот воситаларида ўз аксини топаяпти. Агар телеканалларни кўриб, радиотўлқинларни эшитиб, газеталар материалларини ва интернет хабарларини ўқиб мулоҳаза юритсангиз бир нарсага ишонч ҳосил қиласиз: шовшув кетидан қувиш, турли фикрларни бир-бирига тўқнаштириб шарҳлаш, моҳиятга манфаатни қарши қўйиш, бир томонлама хулоса чиқариш, давлатларни гуруҳларга ажратиш сингари ҳолатлар вазиятни баттар чигаллаштириб юборяпти. Оқибатда баъзи давлатларнинг фуқаролари икки гуруҳга бўлиниб қолянти, айрим давлат ва сиёсат арбоблари ўртасида гина-кудурат кучаяпти, ўзаро ишонч йўқолиб боряпти. Шубҳасиз, бундай аҳвол жаҳондаги сиёсий муҳитга салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Шунинг учун бундай вазиятда, яхшиси, ақл-идрок билан фикр юритган маъқул. Айниқса, ҳайбаракаллачиликдан эҳтиёт бўлиш зарур. Масаланинг мазмун-моҳиятини чуқур мушоҳада қилмасдан, сиёсатнинг нозик жиҳатларини тушунмасдан бир томонлама муносабат билдириш, бировни оқ, бировни қора ёки бировни ҳақ, бировни ноҳақ дейиш ҳеч қачон холисликка хизмат қилмайди.

Тўғрисини айтсам, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори ҳамда Ханс Бликс билан Муҳаммад ал-Барадейнинг хулосаларидан ўтиб ҳакамлик қилиш бир томонлама ҳайбаракаллачиликдан бошқа нарса эмас. Биз ўз вақтида ҳайбаракаллачилик даврини ўтганмиз ва панд еганмиз. Ҳозирги ёшлар, айниқса, менинг «ҳозиржавоб» ва «ўта демократ» ҳамкасбларим ўша давр ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлсаларгина бугунги кунда ақл-идрок, чуқур мулоҳаза-мушоҳада билан фикр юритиш, муносабат билдириш масъулиятининг қадрига етишади. Акс ҳолда улар, аввало, ўзларини ўзлари, қолаверса, бошқаларни ҳам лоқайдликда, сиёсий сусткашликда, бошқа давлатларнинг ва халқларнинг тақдирига бефарқликда айблаб юраверишади.

Яқин ўтмишни бир эслаб кўрайлик. Олтмишинчи йиллар бошида Кариб инқирози юз берди. Куба учун АҚШ билан собиқ СССР ўртасида уруш чиқиш ҳолати юзага келди. Бунга Куба ҳудудига собиқ СССРнинг жанговар ракеталари жойлаштирилганлиги сабаб бўлди. Бировнинг тумшуғи тагига бориб муштини ўқтала бошлаган СССР яна сурбетлик билан: «Кубадан қўлингни торт!» деб жазавани авж олдириб юборса бўладими. Биз талабамиз. Ўқишни йиғиштириб қўйиб, ҳар куни митингбозлик қиламиз. Корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари ишни тўхтатиб қўйиб Куба учун «оҳ-воҳ» қилишади. «Ҳаммамиз учун азиз ва ҳурматли Никита Сергеевич тинчлик тарафдори, бироқ жаноб Кеннеди бизга уруш очмоқчи», деб ҳар куни оммавий ахборот воситаларида сафсата сотилди. Бироқ уруш бўлмади. Бизга «Хрушчев донолик кўрсатиб урушнинг олдини олишга эришди», дейишди. Ҳақиқатни эса орадан кўп йиллар ўтиб билдик. Аслида Кеннеди «агар уруш бўлса ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди» деб Хрушчевнинг енгилтаклигини донолик билан енгган экан. Ваҳолангки, ҳайбаракаллачиликдан куч олган жазава собиқ СССР аҳолисини уруш ҳолатига келтириб қўйган эди. Шунингдек, совет қўшинлари Венгрияга, Чехословакияга, Афғонистонга бостириб кирганида ҳам бир томонлама ҳайбаракаллачилик ва суньий жазаванинг панд берганлигини кўрдик. Ҳатто дарё ўртасидаги Даманский деган кичкина оролчада бир взвод совет ва хитой чегарачилари тўқнашганида ҳам аҳоли ўртасида «Қирқ қарғага бир таёқ!» қабилида бир неча ҳафталик жазава уюштирилган эди. Гўё хитойликлар ҳовлимизга бостириб кирган қирқ қарға-ю, биз уларни битта таёқ билан ҳайдаб чиқарамиз. Ҳа, ўз вақтида биз кўплаб митинглар ўтказганмиз ва қўлида милтиқ ушламаган ёшларимиз ҳам Даманский оролчасини ҳимоя қилишга «кўнгилли бўлиб» ёзилишган.

У пайтларда хориж газеталарини ўқимасдик, чет эл телеканалларини кўрмасдик, «душман» радиотўлқинларини эшитишдан қўрқардик, интернет нималигини билмасдик, хорижлик журналист билан суҳбатлашишни ёки хориж оммавий ахборот воситалари хабарларига ишонишни хиёнат деб биларди. Дунёнинг у ер, бу ерида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришда ҳайбаракаллачилар сафига қўшилиб, жазавада қатнашишимиз учун «марказ»нинг расмий хабари етарли эди. Гап нимадалигини тушунмай, мақсад-моҳиятини англаб етмай, биргина расмий хабарларга ишониб Ангола, Конго, Мозамбик, Жазоир, Чили, Никарагуа, Камбоджа, Лаос, Кипр сингари ўнлаб давлатлардаги вазиятлар учун ўтказилган митингларни эсласам ўша пайтда ҳайбаракаллачилик ҳаммамизни сехрлаб оломонга айлантириб қўйган экан-да, деган хаёлга бораман.

Ҳозир вазият ҳам, одамлар ҳам ўзгарган. Шу жумладан, биз журналистлар ҳам ўзгарганмиз. Аввало, маълумот оладиган манбаларимиз кўп. Олинган маълумотларни ўрганиб чиқиш ва таққослаб тўғри хулоса чиқариш учун имкониятимиз бор. Дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни шарҳлашда ҳакамлик эмас, холислик мезонига амал қиламиз. Ҳозир фикрлашга, муносабат билдиришга, хулоса чиқаришга тўсқинлик қиладиган мафкуравий кўрсатма ҳам, расмий хабар ҳам йўқ. Фақат муносабат билдиришда вазиятга зарар етказадиган ҳамда қарама-қарши томонларнинг манфаатларига зид фикрлар айтиб, хулосалар чиқаришдан эҳтиёт бўлишимиз лозим, деб ўйлайман.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Словакия. Братислава шаҳри кўриниши

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

2003-йилги «Санъат ва маданият соҳасидаги сафарлар учун грантлар»га:

✓ **1-танлов —** май-августда ўтадиган тадбирларга,
✓ **2-танлов —** 2003 йил сентябрь-декабрдаги тадбирларга
танловларни эълон қилади.
Аризаларни қабул қилишнинг охирги куни:
✓ **1-танловга —** 10 апрель, **2-танловга** — 10 август.

Танловда бадиий маданиятнинг турли соҳаларида ижодий фаолият кўрсатаётган ва Ўзбекистон ташқарисида ўтадиган нотижорат тусдаги бадиий тадбирлардан бирида — кўргазма, пленэр, фестиваль, концерт, танлов, мастер-класс, стажировка ва ҳоказода иштирок этиш учун расмий таклифномага эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашишлари мумкин:

- **Рассомлар**
- **Халқ санъати усталари**
- **Музикачилар**
- **Театр ва кино артистлари**
- **Режиссёрлар**
- **Дизайнчилар**
- **Архитекторлар**
- **Музей ходимлари**
- **Фотосуратчилар**
- **Турли йўналиш санъатшунослари**
- **Ўрта ва олий санъат ўқув юртларининг талабалари.**

Дастур якка тартибдаги аризаларга мўлжалланган бўлиб, фақат йўл (транспорт) харажатларини кўтаради.

Аризалар Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти «Санъат ва маданият» дастурининг экспертлар қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Танловда қатнашиш учун ариза шаклини тўлдириш ва зарур ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш лозим. Ариза шакли билан бирга тегишли йўриқномани, шунингдек, танловда қатнашиш ҳақидаги қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Очиқ Жамият Институтидан олиш мумкин.

Манзил: 700031, Тошкент, Зарбоғ (собиқ Р.Люксембург) кўчаси, 31-уй.
Телефонлар: 120-54-08, 120-54-11. Факс: 120-68-54.
Электрон почта: aleks @osi.uz, Internet: www.osi.uz
Дастур мувофиқлаштирувчиси — Александр Джумаев

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

«Ўқитувчилар таркиби салоҳиятини ривожлантириш бўйича дастур — 2004»

Очиқ Жамият Институти ушбу мамлакатлар: Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон олий ўқув юртларининг ўқитувчилари таркиби салоҳиятини ривожлантириш дастури бўйича танлов эълон қилади. Грант соҳиблари Америка Қўшма Штатларининг университетида бир семестрни ўтказиб, таълимни уйда давом эттирадилар. АҚШдаги ўқув муддати қўшимча 2 йилгача узайтирилиши мумкин.

Дастур факультетлардаги академик даражани ривожлантиришни рағбатлантиришга; иштирокчи мамлакатлардаги курсларни ўқитишда ва педагогик ислоҳотларни ўтказишда инновацион ёндашувларни амалга оширишга; мавжуд минтақавий ва халқаро алоқаларни ҳамда қўшма лойиҳаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Номзодлар қўйидаги талабларга мос келишлари лозим:

1. Ҳозирги вақтда Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ёки Ўзбекистонда қайд этилган исталган университетда бадиий тарих, маданий антропология, тарих, фалсафа, сиёсий фан, дин ёки социология соҳасида тўлиқ ставкада ишлаётган ўқитувчи бўлишлари.
2. Аъло даражадаги академик ҳисоботга эга бўлиши.
3. Инглиз тилида ёзма ва оғзаки кучли қобилиятга эга бўлиши.
4. Олий маълумот ҳақидаги дипломга эга бўлиши. (энг камида 5 йиллик диплом.)
5. 2004 йил январидан 2005 йил майигача дастурни бошлаб юборишга қодир бўлиши.
6. Ишлаётган муассасаси ректори ёки проректори унинг 2004 йил январь-майидан 2005 йил январь-майигача ҳозир бўлмаслигини маъқуллаган бўлиши.
7. Ёши 40 дан ошмаган бўлиши.
8. Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ёки Ўзбекистон фуқароси ёхуд доимий резиденти бўлиши.

Қуйидагилар мос келмайдилар:

1. Табиий фанлар, компьютер, математика, табиатшунослик, тиббиёт ёхуд информатика ўқитувчилари.
2. Хорижий тил сифатидаги инглиз тилининг ўқитувчилари.
3. Америка фуқароларига уйланганлар.
4. Американинг академик дастурида рўйхатдан ўтганлар.
5. Америка Қўшма Штатларида ишлаб пул топаётган ёки яшаётганлар.
6. 2002 йил январидан буён ватанида қаторасига уч ёки ундан кўпроқ ой бўлмаганлар.

Аризаларни беришнинг охирги муддати: *2003 йилнинг 10 апрель.*

Тўлдирилган аризани қуйидаги манзилгоҳ бўйича охирги муддатга қадар жўнатинг.

Факс ёки электрон почта орқали жўнатилган аризалар қабул қилинмайди.

Батафсил маълумотларни ва ариза-анкетани Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти — Кўмак жамғармасидан олишингиз мумкин.

✓ **Манзил:** Ўзбекистон, 700031, Тошкент, Зарбоғ кўчаси, 31.
✓ **Телефонлар:** (99871) 120-50-10/11, 120-54-08/09.
✓ **Факс:** (99871) 120-68-54
✓ **Электрон почта:** zuhra@osi.uz
✓ **Мувофиқлаштирувчи:** Зуҳра Абдураҳмонова.

Болалар мадҳиямизни куйлашди



Спорт мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимларида қатнашчиларнинг юрт мадҳиясини куйлаганини кўрганмисиз? Тўғри, сиз бу каби тантаналарда аудио кассеталар орқали янграйдиган мадҳияга спортчиларнинг жўр бўлганлигига гувоҳлик қилгандирсиз. Аммо куни кеча пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида таэквондо (ITF) бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаларининг очилиш ҳамда ёпилиш тантаналарида ёш спортчилар Ватанимиз мадҳиясини ўзлари куйладилар. Бундан ҳар қанча ғурурланса, фахрланса арзийди.

Мусобақа тафсилотларига тўхталсак. Баҳсларда Хоразмдан ташқари барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан элликдан ортиқ таэквондо клублари аъзолари ғолиблик учун татамига чиқдилар. Иштирокчилар сони эса бир минг икки юз нафардан ошиб кетди. Баҳсларда кимлар ғолиб бўлишидан қатъи назар республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган юзлаб болалар янги-янги дўстлар орттиришди. Уйларига олам-олам таассуротлар билан қайтишди.

Суратларда: *мусобақадан лавҳа; Ўзбекистон таэквондо Миллий ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширмоқда.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

● СПОРТ

Жаҳон чемпионатига пойдевор

2-4 март кунлари пойтахтимизда эркин ва юнон-рум курашлари бўйича Гран-при турқумидаги «Мустақиллик кубоги» учун олтинчи халқаро турнир бўлиб ўтди

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сонида Гран-при турқумидаги ушбу анъанавий халқаро турнирда Европа, Америка ва Осиё қитъаларидан 13 мамлакат спортчилари қатнашаётганлигини маълум қилгандик. Бироқ мусобақанинг совринли ўринлари учун кураш асосан АҚШ, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Грузия, Қирғизистон, Жанубий Корея ҳамда Озарбайжон давлатлари вакиллари ўртасида кечди.

Эркин кураш бўйича 74 килограмм вазн тоифасида финалга чиққан ҳамюртимиз ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Магомед Гаджалилов чин маънода «Мустақиллик кубоги»нинг «кашфиёти» бўлди. У ҳал қилувчи баҳсда ўзидан анчагина тажрибали, жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори россиялик Магомед Исагаджиевни мағлуб этди.

Агар мусобақада «Катта устунлик билан» ёки «Энг чиройли ғалабаси учун» деган махсус соврин таъсис этилганида, бу албатта эркин кураш устаси Дилшод Мансуров (55 кг.)га насиб этарди. Барча беллашувларни кўтаринки кайфиятда ўтказган вакилимиз финалда ҳам мухлисларга бир олам завқ-шавқ улашди. У кўплаб халқаро турнирлар ғолиби, АҚШ чемпиони Стефен Аббосни чиройли тарзда мағлуб этди ва олтин медаль соҳиби бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, Сидней олимпиадаси совриндори Артур Таймазов (120 кг.) ҳамда америкалик Керри Маккойлар беллашуви кескин ўтиши кутилганди. Бироқ ҳал қилувчи учрашувда ҳамюртимиз тўла устунлик билан муддатидан илгари ғалаба қозонди — 12:0.

«Мустақиллик кубоги» халқаро турнирида спортчиларимиз энг кўп медални юнон-рум кураши бўйича қўлга киритдилар. Савриддин Наврўзов (55 кг.), Дилшод Орипов (60 кг.), Алексей Чеглаков (96 кг.)лар олтин, Аслиддин Худойбердиев (60 кг.), Евгений Ерофайлов (84 кг.), Дилшод Жўраев (120 кг.)лар кумуш медаллар билан тақдирланишди.

— Турнирнинг юртимизда эркин ва юнон-рум курашларини юксалтириш, ёшларнинг халқаро миқёсдаги кўникмаларини шакллантиришда аҳамияти беқиёс, — дейди Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси президенти С.Абдувалиев. — Шу боис, баҳсларда мутахассисларимиз ҳар иккала тур бўйича иккитадан жамоа билан иштирок этишни маъқул кўришди. Эркин кураш бўйича 22 нафар спортчи гиламга чиққан бўлса, юнон-рум курашчилари 25 нафарни ташкил этди. Эътиборлиси, тажрибали курашчилар билан биргаликда кўплаб ёшлар синовдан ўтишди. Аксарият умидли курашчиларнинг чорак ва ярим финалгача муваффақият қозонганлигининг ўзиёқ мамлакатимизда истеъдодлар кўпайиб бораётганидан дарак бериб турибди. Қолаверса, келгуси режаларимиздан бири — яқин йилларда жаҳон чемпионатини Ўзбекистонда ўтказишдир. Бу йилги баҳсларда барча жамоаларнинг асосий таркиб билан қатнашганлиги, шубҳасиз «Мустақиллик кубоги»нинг нуфузини янада оширди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматли сўзлар маъноси

Асил айнамас, олтин зангламас

Мажозий маъноси: «Бирор нарса оладиган бўлсанг, яхши танлаб, обдон суриштириб, асилини ол»; Вар.: «Асил айнамас, айнаса ҳам чиримас»; «Асил айнамас, сариёғ сасимас»; «Ақл қаримас, асил чиримас».

Балонинг минги — сирда, бири — қирда

Бу мақол Сирдарё тўғрисида айтилган. Сир суви жиловланмаган замонларда баъзи йиллари тошқин бўлиб, дарё ёқасидаги қишлоқларни, экинзорларни ювиб кетган, чорва моллари ҳалок этган. Аксарият қишлоқларнинг аҳолиси бундай тошқин офатларидан қўрқиб, ёзни қирда (чорва моллари боқиб), қишни эса ўз қишлоқларида ўтказганлар. Мазкур мақол — ўша замонларнинг маҳсули.

Балчиққа тош отсанг, бетингга сачрайди

Вар.: «Тупроқни чангитсанг, кўзингга уради», «Кўкка тупурсанг, юзингга тушади», «Кўкка кул сочма, кўзингга тушади», «Балчиққа тош отсанг, шатмоғи ўзингга сачрар». Мажозий маъноси: «Тинч ётган нарсани қўзғатиб нима қиласан, ўзингга зиёни тегади» ёхуд «Бировга, ўзингдан каттага, мавқеи сендан юқорироқ одамга ёмон сўз айтма, таънали гап қилма, бундан ўзингга зиён етади», дейилмоқчи.

«ҚОРА-ҚАМИШ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2003 йил 5 апрель куни соат 12.00 да жамиятнинг маъмурият биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилади.

Рўйхатга олиш вақти 11.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият бошқаруви раисини сайлаш ҳақида.
2. Жамият бошқарувининг янги таркибини тасдиқлаш ҳақида.
3. Жамиятнинг 2003 йилги иш режасини (бизнес план) тасдиқлаш ҳақида.
4. Жамиятнинг низом жамғармасини ошириш ҳақида.
5. Жамиятнинг низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDYLLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 247

16178 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.15
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

● ЙЎЛ БИТИКЛАРИДАН

Осиё нони...



САМАРҚАНД НОНИ ДОВРУҒИ ҚАДИМ-ҚАДИМДАН ЖАҲОНГА МАШҲУР. БУ АЗАЛИ АЗИЗ НЕЪМАТ ҲАҚИДА КЎПЛАБ РИВОЯТЛАР БОР...

— Қадимда ҳукмдорлардан бири, — деб ҳикоя қилганди қашқадарёлик суҳбатдошим Эгамберди Қурбонов, — Самарқанд нонини ўз юртида ҳам тайёрлашни мақсад қилиб, бу ернинг уни, суви, тузи ва ҳатто мана-ман деган новвойларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетган экан. Новвойлар бу неъматни у ерда пишириб бўлгач, ҳукмдор: «мазаси барибир Самарқандда пишган нончалик бўлмапти», — деб айтган экан. Сабабини сўраганда кекса бир новвой бунинг учун Самарқанднинг ҳавоси ҳам кераклигини айтган...

Бу — бир ривоят. Лекин ҳар қалай, неча асрлардан бери ўз таъми билан бетакрор Самарқанд нонининг мўъжизаси нимада, деган савол туғилиши табиий.

Вилоят Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи Ўткир Бойузоқов берган маълумотларга қараганда, шаҳарда якка тартибдаги 392 нафар нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар фаолият юритаркан. Шундай новвойлардан бири, «Шуҳрат» медали соҳибаси Зурафо Шарипова билан суҳбатлашамиз:

— Самарқанд нонларининг 20 дан зиёд тури бор, — дейди у. — Ҳар бири хамир қорилишидан тортиб, пиширилишигача ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, «Осиё нони» («нони Осиё») ни олайлик. Хамири қорилаётганда сув кам ишлатилади. Уннинг 4-5 хил навлари аралаштирилиб, тайёрланган хамир камида 2-3 соат тиндирилиши керак. Тайёр хамир ярим килодан то уч килогача бўлган вазнда ўлчаниб, зувала ҳолига келтирилади ва тандирга ёпилади. 15-20 дақиқа ўтиб, нон тайёр.

— Бошқа нонларнинг ҳам хамир қорилиши деярли шундай, — суҳбатга қўшилди «Дўстлик» ордени соҳибаси, моҳир новвой Робия Пўлатова. — Масалан ширмой нонни тайёрлашда хамирга майдаланган нўхот билан бирга, сут ва ёғ ҳам солинади. Совға нонини тайёрлашнинг эса меҳнати кўпроқ. Нонга безак бериш учун бир килограмм хамир «арқон» ҳолига келтирилиб, у турли шаклларга солинади. Бу ишни 2 киши бўлиб бажариш керак... Ҳа, айтгандай, нон мазали чиқишининг кўпинча оловга боғлиқ томонлари ҳам бор. Баъзи тур нонлар пиширилаётганда тандир оловнинг катта босими билан қиздирилса, баъзилари пастроқ олов билан қиздирилади. Яна бир томони — ёғоч ўтин, ғўзапоя билан қиздирилган тандирнинг нони чиройли, мазали чиқади...

— Бундай усулларда бошқа ерларда ҳам тайёрласа бўлади-ку? — сўрайман улардан.

— Бўлади, лекин барибир Самарқанддагидек мазали чиқмайди. Мана, масалан 15-20 чақирим масофа нари ҳудудларда: Оқдарё, Тайлоқ, Жомбой туманларида ҳам биздек усуллар ва биздаги масаллиқлар билан нон пиширишади, лекин барибир бизникидек маза бермайди...

Демак, юқоридаги ривоят ҳам бежиз айтилмаган. Негаки, улуғ аллома-ю авлиёлар юрти бўлган азим Самарқанднинг тупроғи, суви билан бирга ҳавосида ҳам гап кўп экан. Асрларки, шаҳарга кимки ташриф буюрмасин, ёхуд шунчаки йўл-йўлакай ўтаётган йўловчи бўлсин Самарқанд нонидан олиб кетишни канда қилмайди. Хорижлик меҳмонларга-ку бир олам қувонч, тансиқ хотира...

— Мен Ўзбекистонда иккинчи бор бўлишим, — дейди испаниялик сайёҳ Далорес Гальего. — Бундан 5 йил олдин Самарқанд нони жуда мазали бўлиб, ундан 4 донасини юртимизга олиб кетгандим. Негаки, бу нон ҳақида 600 йил олдин ушбу заминда Испания қироллиги элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам ўз китобларида жуда яхши гаплар ёзиб қолдирган. Бу гал кўпроқ нон олиб кетаман, қариндошларим, дўстларим «буюртма» беришган...

Шаҳардаги Улуғбек расадхонаси ёнидан тўғрига юрсангиз Тошкент — Бухоро трассасига чиқасиз. Бу ерда ҳам нон тўла араваларни кўрасиз. Ўзини Барчиной деб таништирган новвой опадан нон харид қилган киши бўлиб, сўрайман:

— Бу ерда нечта новвой савдо қилади? Кетиши қандай?

— Биз яшаётган кўрғонда, — жавоб берди у. — 300 дан ортиқ хонадон бор. Уларнинг ҳар бирида нон тайёрланиб, шу ерга олиб чиқилади. Азалдан давом этиб келаётган анъана, бу... Ҳар бир хонадонда кунига 1 қоп ундан 100 донагача нон пиширилади... Ҳеч ким бир қоп ундан зиёд нон пиширмайди. Тартиб шунақа... Барчага бир хил меъёр...

Қўлларингиз дард кўрмасин Самарқанд новвойлари!

Умиджон САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЧОРСУ САВДО МАРКАЗИ»

очиқ акциядорлик жамияти

2003 йил 7 апрель куни соат 11.00 да жамият маъмурияти биносида акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Чорсу савдо маркази» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти бўйича Кузатув Кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадлари тақсимланишини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун Аудиторини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
10. Жамият бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш ҳақида.
11. Жамиятнинг 2003 йилги иш режасини (бизнес план) тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Охунбобоев майдони, «Чорсу савдо маркази» биноси.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ОЛМАЛИҚ НОН»

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Кузатув кенгаши 2003 йил 12 апрель куни соат 14.00да Олмалиқ шаҳар 6/5 даҳаси, «Олмалиқ нон» АЖ маъмурий биносида «Олмалиқ нон» АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 13.00 дан бошланади. Рўйхатдан ўтиш чоғида акциядорларнинг паспорти, шахс вакили эканлигини тасдиқловчи далолатнома кўрсатилиши лозим.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январь ПФ-3202 сонли Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида.
2. Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботи.
3. Кузатув Кенгаши раиси ва аъзоларини қайта сайлаш.
4. Жамият тафтиш комиссиясининг 2002 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2002 йил учун молия ҳисоботининг ҳаққонийлиги тўғрисида аудитор хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йил учун бизнес режасини тасдиқлаш.
7. 2002 йил учун дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.

Навбатдан ташқари умумий мажлисга тайёргарлик кўриш чоғида акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар билан 2003 йил 7 апрелда жамият бошқарувида танишиш мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«СИФАТ» ЛОЙИҲА-ҚУРИЛИШ

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Сифат» лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши 2003 йил 3 апрель куни соат 15.00да жамиятнинг Миробод тумани, Нукус кўчаси, 85/1 манзилдаги мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Сифат» лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамиятининг Низом жамғармасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 24 январдаги Фармонига кўра, ошириш тўғрисидаги масала.
2. «Сифат» лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамиятининг 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида бошқарувнинг ҳисоботи.
3. Ревизия комиссиясининг ҳисоботи.
4. «Сифат» лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамиятининг 2002 йилдаги балансини тасдиқлаш.
5. Кузатув кенгаши таркибини сайлаш.
6. Бошқарув аъзолари таркибини тасдиқлаш.
7. 2003 йил учун бизнес-лойиҳани тасдиқлаш.
8. «Сифат» лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамияти раисининг шартнома муддатини 2003 йил учун узайтириш.

Акциядорлар паспорти билан келишлари шарт.

«Сифат» лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамияти

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ҚУРИЛИШ МОЛЛАРИ БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2003 йил 5 апрель куни соат 14.30 да жамиятнинг маъмурият биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилади.

Рўйхатга олиш 14.00да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият бошқаруви раисини сайлаш ҳақида.
2. Жамиятнинг 2003 йилги режасини (бизнес-план) тасдиқлаш ҳақида.
3. Жамиятнинг низом жамғармасини ошириш ҳақида.
4. Жамиятнинг низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га

эълонлар қабул қилинади.

133-38-55, 133-47-80.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ДСИ томонидан Нигора Азимджановна Вахидова номига берилган 19819 рақамли хизмат гувоҳномаси ва 1354 рақамли махсус гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ